БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 163 (17.445). • 18 июль 1979 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Бўз районидаги «Ленинчи» совхози далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. 3440 гектар майдондаги ғўзаларнинг асосий қисми кўсак туга бошлади.

Суратларда: совхознинг илғор бригада бошлиғи, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Абдуфаттоҳ Солиев ва унинг ўғли, ёш механизатор, комсомол аъзоси Бахтиёр Солиев ҳамда хўжалик далаларида ғўза қатор ораларига тўртинчи ишлов бериш пайти.

Р. Ашуров фотолари, (ЎзТАГ).

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА СУРЪАТ ВА СИФАТ БЎЛСИН!

Азиз механизатор ўртоқлар! Ҳозир культивациянинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Илғор пахтакорларнинг тажрибасига кўра, қатор ораларидаги тупроқ доимо чуқур юмшатилган ва майдаланган бўлиши лозим.

Суғоришдан кейин тупроқнинг қақраб қолишига йўл қўймаслик, тупроқ етилганда унга ишлов бериш жуда муҳимдир.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ДЕҲҚОН ИРОДАСИ

Ҳурматли ҳамкасбим Ҳамид САИДОВ!

Республикамиз партия ва ҳукуматининг барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаати об-ҳаво ноқулайликлари оқибатида содир бўлган қийинчиликлари бартараф этишда муҳим сафарбарлик ролини ўйнаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Дарвоқе, бу йилги деҳқончилик шаротида пахтакор иродаси тағин бир бор катта синовдан ўтяпти. Пахта етиштириш интернационал бурч эканлигини чуқур ҳис қилган деҳқонларимиз баҳорда юз берган табиий қийинчиликларни фидокорона меҳнат билан бартараф қилмоқдалар.

Колхозимиз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигига жавобан ғўзанинг авж олишини жадаллаштириш учун курашмоқдалар. Июль ойи — ғўза ривожидаги қолоқликни туғатиш ойи, деб эълон қилинди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан келиб чиқиб, ҳар бир кун, ҳар бир соат қадрланмоқда. Даладаги меҳнат зарбдор меҳнат бўлиши учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Мурожаат муҳокама қилинган йиғилишларда, ўзаро қизғин гурунгларда мана бу савол ўртага ташланди: ўз колхозин, районн, области, бутун республикамиз шаънини ўйлайдиган, ўз касбини жонини билан шарафлайдиган пахтакор шу кеча-кундузда нима қилиши керак? Маъ-лумки, курук гап билан иш битмайди. Жўжани кузда санайдилар, деган ажойиб мақол бор. Кузда кўтариладиган хирмон тақдири барча пахтакорларнинг айни долзарб ламларда ғўзанинг авж олишини жадаллаштиришига, ҳар бир кўчатда мўл ҳосил тўплаш учун барча чора ва воситаларни ишга солишига, ҳар бир оғир вазиятни ишбилармонлик билан таҳлил этишига, мавжуд камчиликларни эзгулик билан бартараф этишига боғлиқ.

Колхозимиз деҳқонлари буни ўз тажрибаларида кўриб келишаётир. Ҳар бир йил уларнинг иродасини мураккаб синовлардан ўтказмоқда. Ўтган йили пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 43 центнерга етказилди. Бу йилги марра эса мавжуд 1430 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 38 ўрнига 50 центнердан ҳосил олишдан иборат. Ватанга 7100 тонна «оқ олтин» етказиб бериш, ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида саранжом-саришта қилиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилганмиз. Шу асосда терим машиналари сони 32 тадан 35 тага етказилади. Сўзимиз сўз, ваъдамиз қатъий! Пахтакорларимиз шундай демоқдалар.

Биз, механизаторлар ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан ишлашимиз зарурлигини чуқур англашимиз керак. Кўп йиллик тажрибанинг кўрсатишича, июлда ҳосилнинг шаклланиши ва тўпланиши учун шароитлар яратилмоғи лозим. Биринчи августгача ҳар тупда 6—7 тадан кўсак тўпланишига эришмоқ зарур. Ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврида комплекс ишлов берилганда ўғит 3—5 сантиметр чуқурликда кўмиб кетилиши керак. Суғоришдан кейин культивацияни оби-тобида тез ва сифатли ўтказиш керак. Бу тадбир кечикса, тупроқ зичлашади, илдиз системаси зарарланади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, культиваторларда ишчи органлари тўлиқ бўлмоғи лозим.

Мен механизатор бўлган коммунист Абдуманнон Шукуров бошлиқ 60 центнерчи бригадада бу ҳаётий қоидаларга тўлиқ амал қилинаётир. Аввало, мавжуд 135 гектар майдондаги кўчатлар текислаб олинди. Ҳар гектар майдонда 105 минг туп кўчат мавжуд. Ғўзаларимиз текис гуллай бошлади. Қатор ораларига тўртинчи марта комплекс ишлов берилаётир. Бир марта чуқур кетмон чопиғи ўтказилди. Бегона ўтлар тамоман тугатилди. Сувчилар яхлит карталарда группа бўлиб ишлаб, бутун далани бир вақтда сувдан чиқаришга, эгатларда сувнинг бир маромда оқишига, этак томонларга бир текис етиб боришига, ҳар бир тун ғўза таги нормал намланишига эришилаётир. Ҳашаротга қарши кураш ҳам тадбиркорлик билан олиб борилаётир.

Хўжаликнинг ҳар бир бригадасида мўл ҳосил учун кураш ана шундай қизғин олиб бориляпти. Ҳамкасбларим Тоштемир Бердиев, Хуррам Мелибоев, Абдукаюм Йўлдошев, Нормамат Ортиқов, Тўрақул Хўжақулов ва бошқа ўнлаб дала гвардиячилари юксак унум билан ишламоқдалар.

Ҳурматли ҳамкасбим Ҳамид Саидов! Эсингиздами, йил бошида илғор пахтакорлар вакилларининг район қурултойида учрашганимизда айтган сўзларингиз? Хаммамиз учун қадрдон Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларида сўзлаган нутқларида пахтачиликни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталганлигини, шу нутқларда ленинча ғамхўрлик нафаси уфуриб турганлигини ҳис этганлигимизни тўлқинланиб гаплашган эдик. Биз пахтакорлар бу чексиз ҳурмат ва эътиборларга ҳамиша лойиқ бўламиз, амалий иш билан жавоб қиламиз.

Келинг, қолган гапларни кузда улкан хирмонга самарали якун ясалганда гаплашайлик. Менинг бу йилги аҳдим терим мавсумида ўз агрегатим билан 300 тонна «оқ олтин» териб беришдан иборат.

Омонкелди ҲАСАНОВ,
Денов районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори.

БУРЧГА СОДИҚМИЗ

Ҳурматли ҳамкасбим Омонкелди ҲАСАНОВ!

Мен сиз билан учрашиб танишган ўша кунни яхши эслайман. Бугун мусобақага чақиришингиз ҳам мен учун тасодифий эмас. Кўнгил кўнгилдан сув ичади дегенларидек, ўшанда дилдаги сўзларимизни айтиб олган эдик. Ҳақиқатан ҳам пахтакорлик қанчалик ғаштли касб бўлса, шунчалик машақатли ҳамдир. Қайси йил бўлмасин муваффақиятлар қатори қийинчиликлар ҳам содир бўлиб туради.

Самарадорлик ва сифат ўнинчи беш йиллигининг тўртинчи йилида ҳам қатор қийинчиликларга дуч келдик. Серёмир, дўл, сел кўп бўлган баҳорда катта-катта майдонларда чигит такрор экилди. Кетма-кет юз берган қаткалоқ нимжон ғўзани исканжага олди. Бегона ўт ғўзага нисбатан тез ривожланди ва ҳар йилгидагидан кўп бўлди. Айниқса, ҳароратнинг паст бўлиши ғўзаларнинг авж олишини кечиктирди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати ҳамда бир группа донгдор пахтакорларнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган даъватида таъкидланганидек, бугунги пахтазор ҳаммани ғўза парваришига ғоят қизғин, жуда актив иштирок этишга, дала ишларини ҳар томонлама кучайтиришга чорлайди.

Колхозимиз меҳнаткашлари ҳам Мурожаатнинг ҳар бир бандини эўр кизиқиш ва қониқиш билан ўқиб чиқдилар. Бу муҳим ҳужжат айни долзарб дамлардаги ҳаракат программамизга айланиб қолди.

олхозимизда 1250 гектар ерга чигит экилган. Ватанга пландаги 4440 тонна ўрнига 5100 тонна «оқ олтин» етказиб бериш, гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш, ялпи ҳосилнинг 85 процентини «заангори кема»лар кучи билан йиғиштириб олишга қарор қилганмиз. Далаларда иш шунга яраша ташкил этилган. Шу кунларда ғўза учинчи парваришдан тўлиқ чиқарилди. Майдонларда кўчатлар тўла, бегона ўтлар йўқ. Усимлик барқ уриб ривожланмоқда. Шоналар гулга айланмоқда. Ғўзанинг ривожланишидан кўнглимиз тўқ. Ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парваришламоқдамиз. Фикризикримиз бирор туп ғўзанинг чанқаб қолмаслигига, ҳашаротга ем бўлмаслигига, бегона ўт орасида қолмаслигига, шона ва гулларнинг тўкилмаслигига қаратилмоқда.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида кўрсатиб ўтилганидек, ғўза парвариши, унинг авж олишини жадаллашишидаги кечикишни туғатиш, бой берилган дамларнинг ўрнини тўлдириш пахтакор ва механизаторлардан ҳар қачонгидан ҳам яхши, масъулият билан ишлашни талаб қилади. Шунинг учун ҳам колхозимиздаги 28 та культиваторнинг ишчи органлари мумкин қадар кўпайтирилиб, уларни тўғри жойлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Қатор оралари чуқур юмшатиляпти. Мен механизаторлик қилаётган 55 центнерчи Алишер Ибодов бошлиқ бригадада ана шундай агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилаётганлиги туфайли ҳосил тўплаш қойноқ даврга кирди. Июль ойида ғўзаларга камида икки марта комплекс ишлов беришни аниқ белгилаб олдик.

Ишнинг сифати муваффақият гаровидир. Биз бригадамизнинг ҳар бир картасида «сифат дафтари» юритяпмиз. Усимлик қандай суғорилганлиги ҳақидаги деҳқонларнинг мулоҳазалари, культивация ва чопиқ ўтказилган муддатлари, ҳашаротнинг қайси турлари уруғ тарқатаётганлиги дафтарга қайд этиб борилади.

Яқиндагина қўшни Сариосиё район пахтакорлари вакиллари бизнинг бригадамизда бўлишиб, шу каби ютуқларимизни кўрсатиш билан бир қаторда айрим камчиликларимизни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Жумладан, суғоришда баъзан тупроқ шароитларини ҳисобга олмаганмиз. Сув бериш муддати чўзилганлигидан бир қисм майдонларда ғўза эзилиб қолган. Мусобақадошларимиз бу майдонларга июль ойи охиригача қўшимча маҳаллий ўғит солишни ва бир марта ағдарма чопиқ ўтказишни маслаҳат бердилар. «Дала оралаб, аҳволни чуқур таҳлил этиб бормасдан ташқаридан, пахтамиз яхши, деб юриш зарарли оқибатларга олиб келади», — дейишди мусобақадош дўстларимиз.

Биз дўстона маслаҳатларга амал қилиб, ғўза парваришидаги аҳволни тағин бир карра танқидий назар билан қараб чиқдик. Ҳозир диққат-эътиборни ғўзаларни тенглаштиришга қаратяпмиз. Тупроқ шароитига, ўсимликнинг ҳолатига қараб, ер ости сувининг чуқурлик даражасини ҳисобга олиб суғоряпмиз. Июль ойида ғўза ривожидаги қолоқликка батамом хотима берилади.

«Шу кунларда ғўза парвариши, унинг ривожидаги қолоқликни туғатиш суръатларини кучайтириш сизларга боғлиқ», — дейилади Мурожаатда биз механизаторларга қарата. Хўжалигимиз дала гвардиячилари бу қимматли фикрга қатъий амал қилган ҳолда ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бераётирлар.

Ҳурматли ҳамкасбим Омонкелди Ҳасанов! «Июль ойида ғўзани ёппасига гуллатайлик, гулни кўсакка айлантирайлик!» шиори ўртага ташланаётган бир пайтда шуларни айтмоқчиман: биз ҳеч қандай қийинчилик ёки катта довон олдида эсанкирамаймиз. Чунки биз республика партия ва ҳукуматининг кундалик оталарча ғамхўрлигини ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Айни вақтда эл ва юрт олдидаги бурчимизга ҳамиша содиқ бўлиб қоламиз. Сиз билан мусобақалашаман. Қўлни беринг, бу йилги терим мавсумидаги марра — 280 тонна!

Ҳамид САИДОВ,
Денов районидаги Жданов номли колхоз механизатори.

ҒЎЗАНИНГ АВЖ ОЛИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК!

ЎРНИМИЗ ОЛДИНГИ САФДА

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати биз пахтакорларнинг бундан буёнги ҳаракат программамиз бўлиб қолди. Унда бу йилги деҳқончиликда юз берган қийинчиликларга оқилона баҳо бериш билан бирга, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун нималар қилиш кераклиги аниқ-равшан баён этиб берилган.

Колхозимизнинг меҳнатсевар пахтакорлари бу йил 1020 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Ҳозиргача ғўза қатор ораларига тўрт марта комплекс ишлов берилди, озиқлантирилди, суғорилди. Ер ҳолатига қараб қўпчилик пайқалларда кетмон чопиғи ўтказилди. Табиий офат туфайли қайта экилган майдонлардаги ғўзаларимиз ҳам дуркун ўсяпти. Бирин-кетин гуллаб, кўсаклаяпти.

Коллективимиз бу йил она-Ватанга 4500 тонна сифатли пахта армуғон этишга қатъий қарор қилишган. Бу пландагидан 600 тонна кўп демакдир. Ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказамиз. Ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналарда йиғиб-териб олиш ҳоралари кўриляпти.

Бу йил деҳқонларимиз ҳаётида катта янгилик юз берди. Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги билан районимиз территориясида Навоий насос станцияси ишга туширилди. Эндиликда Маликчўл массивида кўплаб янги ер ўзлаштириш имкони туғилди. Биз бу йил чўлда 450 гектар ерни ўзлаштириб чигит экдик. Ана шу ғўзаларимиз Навоий насос станциясидан сув ола бошлади. Бу ялпи пахта ҳосилини анча кўпайтириш имконини беради.

Далаларимизда 33 та культиватор танимсиз ишлатилмоқда. 60 нафар сувчи икки сменада ғўзаларни обиҳаётга кондираётир. Тан олиш керак. Ғўзанинг авж олиши ўтган йилдагидан 15—20 кун кечикмоқда. Уни бартараф этиш ўз қўлимизда. Мўл ҳосил тақдири асосан июль ойида ҳал бўлади. Ҳарорат кўтариляпти. Ғўзаларни вақтида суғориш, культивация қилиш, бегона ўтларни зудлик билан йўқотиш, ҳашаротларга қарши курашни бутун чоралар билан кучайтириш лозим. Биз шундай қиляпмиз. Июль ойида ғўза қатор ораларига уч марта комплекс ишлов берамиз. Уч марта озиқлантириб, шунча марта сувга қондирамиз. Хуллас, юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштиришни кўзлаяпмиз.

Ўринбой Қувонов, Носир Қўзиев, Хусния Ботирова, Носир Ҳайдаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг коллективлари ҳар гектар ердан 55—60 центнердан ҳосил олиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Д. Хусанов, Б. Юсупов, А. Омонов сингари серғайрат механизаторларимиз ғўзага юксак агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда сифатли ишлов беришмоқда.

Дала меҳнатчиларининг баракати ишлашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беряпмиз. Тузилган сифат комиссияси актив фаолият кўрсатмоқда. Ғўза парваришидаги илғорлар шарафига Қизил байроқ кўтарилмоқда. Мусобақа натижалари ҳар ўн кунда якунланиб, илғорлар рағбатлантириб бориляпти. Далада ишловчилар учун иссиқ овқат ташкил этилган. Ҳар бири 90 ўринли иккита доимий, 13 та мавсумий боғча-яслиларда меҳнаткашларимизнинг қарийб 600 фарзанди тарбияланяпти.

Деҳқон меҳрига, ардоғига қонаётган ғўзалар мўл ҳосилли бўлиб ўсяпти.

О. УРОҚОВ,
Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхози ранси.

Ўртоқ Андрей Андреевич ГРОМИКОга

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сизни, Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбобини етмиш ёшга тўлган кунингизда қизғин табриклайдилар.

Сиз партия ва давлат ишининг ҳамма лавозимларида ўз куч ва тажрибангизни коммунистик қурилиш ишига, марксизм-ленинизм буюк идеалларига фидокорона хизмат қилишга бағишлаб келмоқдасиз.

Азиз дўстимиз ва ўртоғимиз Андрей Андреевич, Сизга чин кўнгилдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва партиямизнинг ҳамда совет халқининг бахт-саодати, коммунизм тантанаси йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ЎРТОҚ А. А. ГРОМИКОНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Андрей Андреевич **Громико Ленин** ордени ва **иккинчи «Ўроқ ва Болға»** олтин медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1979 йил, 17 июль.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Сурхондарё области саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш, буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш етти ойлик планини муддатидан илгари — 16 июль куни бажардилар. Планга қўшимча равишда саккиз миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ТУНГИ СУҒОРИШ

Арнасой районидаги Жуков номли совхознинг ҳамма бригадалари ғўзани тунда суғоришга ўтди. Кўкламги жала ювиб кетган тупроқ унумдорлигини ошириш учун айни маҳалда минерал ўғит ва органик ўғит билан озиқлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Хўжаликда миробларидан Назир Парпиев, Турдимат Алижонов юксак унум билан ишламоқдалар. Улар смена нормасини бир ярим баравар ошириб бажармоқдалар. Сув ўқариқларидан таралмоқда. Хўжаликнинг сувчилари ғўзанинг аҳволига қараб июлда икки марта суғоришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

17 июль куни Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлган социалистик мамлакатлар журналистлар ташкилотлари раҳбарларининг маслаҳат кенгаши очилди.

Кенгаш қатнашчилари Европа қитъасида ва бутун дунёда чинакам хавфсизликка эришиш учун курашда қардош мамлакатлар матбуот ходимларининг вазифалари тўғрисида, халқаро журналистлар ташкилотларидаги ҳамкорликни координациялаш, жаҳондаги прогрессив журналистларнинг энг йирик бирлашмасида шу ташкилотлар фаолиятни янада активлаштириш ҳақида фикрлашиб олдилар.

Журналистлар ташкилотларининг раҳбарлари: СССРдан — В. Г. Афанасьев ва ГДРдан — Г. Чепук доклад қилдилар.

(ТАСС).

ҲАМЗАГА БАҒИШЛАНГАН ШЕЪРХОНЛИК КЕЧАСИ

Республика шаҳар ва қишлоқларида атоқли адиб ва жамоат арбоби туғилган куннинг тўқсон йиллигига бағишланган ҳамзахонлик бошланди.

Дастлабки адабий кеча Ҳамзанинг туғилган жойи — Қўқонда ўтказилди. Республиканинг етакчи адиблари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин, СССР Давлат мукофотининг лауреати Рамз Бобожон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла ва бошқалар қўқонликлар билан учрашдилар. Меҳмонлар Ҳамзанинг музей-уйида, шоир ҳайкали олдида ва унинг номи билан боғланган бошқа жойларда бўлдилар. Шоирлар шаҳарнинг ёзги театрида атоқли адибга бағишланган шеърларини ўқидилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Воҳид Зоҳидов Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида доклад қилди. Нотиқлар орасида Ҳамзанинг замондоши — қўқонлик шоир Асқараали Чархий ҳам бор эди. Кеча Ҳамзанинг музикали ва драма асарларидан тузилган катта концерт билан тугади.

Ҳамзахонлик бир ой давом этади. Шу вақт ичида Ўзбекистоннинг таниқли шоирлари ва адиблари маданият уйлари ва саройларида, ишчи клубларида, колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида республика меҳнаткашлари билан учрашадилар.

(ЎзТАГ).

МУСТАБИД ДИНАСТИЯНИ БАРҲАМ ТОПДИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 июль. (ТАСС). Никарагуада мустабид Сомоса династияси 42 йиллик ҳукмронликдан сўнг инқирозга юз тутди. Бугун Анастасио Сомоса давлат бошлиғи лавозимидан воз кечганлигини эълон қилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

АКТИВЛАР — ТАЯНЧИМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг июль, ноябрь (1978 йил) Пленумлари қишлоқ хўжалигини, шу жумладан чорвачиликни кескин тараққий эттириш йўлида қўйилган катта қадам бўлди. Чорвадорларимиз гўшт, сут, қорақўл тери, жун етиштиришни қўпайтириш ва давлатга сотишга бўлган эътиборни ҳар қачонгидан кучайтирдилар. 90 минг бошдан зиёдроқ совлиқларнинг ҳар юз бошидан 127 тадан қўзи олинди. 50 минг бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Гўшт, сут, тухум, жун, қорақўл тери топшириш планлари ошириб бажарилди. Давлат омборларига бугунгача 22 минг тонна дон тўкилди. Қўлга киритилган бундай ютуқлар учун районимиз икки марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Ишимиздаги бундай ютуқларда район коммунистлари, уларнинг жанговар штаби — партия ташкилотлари, шунингдек, партия активларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Районимиз ташкил этилган давр — 1978 йилнинг апрель ойида 59 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларга 1347 нафар коммунист уюшган эди. Район партия комитети гартия аъзолари сафини кенгайтириш ва партия ташкилотлари сонини кўпайтиришга эътиборни кучайтирди. Ҳозир районда бошланғич партия ташкилотлари сони 71 тага, коммунистлар эса 1500 кишига етди.

Баъзи мактабларда бошланғич партия ташкилотларининг ҳамон тузилмаганлиги ва коммунистларнинг жуда ҳам оз сонни ташкил этганлиги коллектив ўртасида ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий ишларни олиб боришга салбий таъсир кўрсатмоқда эди. Ана шу сабабга кўра 59-ўрта мактабда ўқитувчилар коллективи ўртасида ўзаро келишмовчиликлар вужудга келди, бу эса ўз навбатида таълим-тарбия ишларига путур етказди. Атиги 4 коммунистни бирлаштирган партия ташкилоти бундай носоғлом вазиятга таъсир ўтказолмади. Район партия комитетининг бюроси мактабдаги аҳволни чуқур ўрганиб, унинг директори, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, илмий мудири ва партия ташкилоти секретарини ишдан олишга қарор қилди. Коллектив обрў-эътиборли ташкилотчи, ташаббускор педагоглар билан тўлдирилди.

Районда илм даргоҳларига партиявий раҳбарликни, бошланғич партия ташкилотларининг коммунистлар активлиги ва ташаббускорлигини янада кучайтириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Энг муносиб ўқитувчилар КПСС аъзолигига ва партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилаш, педагогларнинг активлиги ва жамоат ишларида ташаббускорлигини кучайтириш имкониятларини бермоқда.

Биз халқ хўжалигини ривожлантириш, район экономикасини юксалтириш, оммани партия кўрсатган ойдин йўлдан коммунизм сари дадил қадам ташлатиш учун партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтиришга кўпроқ кадрларга, коммунист активларга таянмоқдамиз. Марксизм-ленинизм назариясини, юксак сиёсий ва ишчанлик фазилатларини чуқур эгаллаб олган, уни замонавий талаблар даражасида олиб боришга қодир бўлган кадрларни тарбиялаб етиштиришни, активлар фаолиятини кучайтиришни алоҳида назоратга олганмиз.

Район партия комитетининг партия активлари билан узвий алоқада бўлиши уларнинг кучидан, қобилиятидан унумли фойдаланишда катта роль ўйнаяпти. Изланувчан, ташаббускор активлардан 312 киши райком номенклатурасига олинди. Уларни тарбиялаш, жамоат ишларига кенг жалб этиш, сиёсий-иқтисодий билимларини мунтазам ошириб бориш — кундалик диққат-эътиборимизда турибди.

Бу йил ҳам районимизда ўтган йилгидек мўл ғалла ҳосили етиштирилди. 60 минг гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун район партия комитети олдиндан катта тадбирлар белгилади. Ишни ипатоволиклар усулида ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилинди. 17 та отряд тузилиб, хўжаликларнинг бош мутахассислари уларнинг командирлари, партия активлари эса сиёсий ташкилотчилари қилиб тайинланди.

Ўрим-йиғимда иштирок этаётганларга қулай меҳнат шароити яратиб беришни, сиёсий-тарбиявий ишларни юксак савияда олиб бориб, мавсумни қисқа вақтда муваффақиятли тугатишга эришишни қатъий назорат қиляпмиз. Натижа ёмон бўлмаяпти. Бугунгача ҳар гектар ердан қариб 8 центнердан ҳосил олдик. Умумий ғалла хирмонимиз салкам 50 минг тоннага яқинлашиб қолди.

Ўрим-йиғим ишларини ипатоволиклар усулида ташкил этишда Свердлов номли совхоз ғаллакорлари, айниқса, намуна бўлдилар. Совхозда ташкил этилган икки отряд механизаторлари айни кунларда бошқа совхозларнинг ғаллакорларига катта ёрдам бермоқдалар.

Биз активлар фаолиятини тобора кучайтириш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш мақсадида уларнинг ҳисоботларини райком бюросида эшитиб бораяпмиз. Ишга лоқайдлик, бўшанглик ва совуққонлик билан қараган партия активларини тегишинча жазолаб, айни пайтда чинакамига қийналиб қолган, лекин ишга астойдил интилаётган активларга эса керагича ёрдам ҳам берямиз.

Район партия комитети депутатлар фаолиятидан самарали фойдаланиб, уларнинг активлигини тобора ошириш учун муҳим тадбирлар белгилаяпти. Ўтган йили Оқтепа қишлоқ Советида ўтказилган семинарда райондаги мавжуд 6 та қишлоқ Совети раҳбарлари ва доимий комиссиялари раислари, депутатлар актив иштирок этиб, ўзаро тажриба алмашдилар, фикрлашдилар. Бу — районда совет ишларини такомиллаштириш, маданий қурилиш соҳасида катта ютуқларга эришиш. депутатларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Районимизда бир киши республика Олий Советига, 16 киши область, 104 киши район Советига депутатликка сайланган. Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат, кўп йиллардан буён жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган донгдор чўпон Мамадиёр Шосимов район партия комитетининг бюро аъзосидир. Моҳир чўпон ўз қарамоғидаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан 200 тадан ва ундан ҳам ошириб қўзи, кўплаб жун қирқиб олиш билан бирга сайловчилар наказини, райком топшириқларини бажаришга ҳам вақт топади. Область партия комитетининг аъзоси, район Советининг депутати, илғор чўпон Елғош Бошмонов, область Советининг депутати, тажрибали сут соғувчи Хусниобод Бошмонова, район Советининг депутатлари — соғувчи Улфат Тенғлашева, бош чўпон Толлибой Қодиров, механизатор Бозорбой Ўразов, геолог Леонид Корниенко, шифокор Ҳанифа Суярова, маданият ходими Амирой Синдорова сингари ўнлаб коммунистлар ишлаб чиқариш илғорлари партия ташкилотларининг активларидир.

Районимизда комсомол активларининг ҳам сафи кенгайиб бормоқда. Улар қўзиватиш, хашак жамғариш, жун қирқими ва ғалла ўрим-йиғимини намунали ўтказишда, комсомол-ёшлар бригадаларига бошчилик қилишда катта жонкуярлик кўрсатишяпти. Яқинда «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг бир группа комсомол-ёшлари — қизлар катта ташаббус билан майдонга чиқишди. Улар хўжаликнинг сутовар фермасида қолиб, сигир соғишни. мол боқишни ўз қўлларига олдилар. Уларга тажрибали сут соғувчи коммунист Ҳусниобод Бошмонова раҳбарлик қиляпти. Район партия комитетининг бюроси бу ташаббусни маъқуллади ва уни бошқа хўжаликларга ёйишни барча партия, комсомол ташкилотларига тавсия қилди.

Район партия комитети активлар билан ишлаш ва уларга топшириқлар бериб бориш, иш ижросини текшириш жараёнида кимнинг нимага қодирлигини. кимда ташкилотчилик, ишчанлик қобилияти даражаси қандай эканлигини чуқур ўрганяпти. Бу — бизга келгусида кадрларни таплаш ва жойжойига қўйишда, шубҳасиз. катта ёрдам беради.

Бу йил районимиз меҳнаткашлари она-Ватанга 2267 тонна гўшт, 3430 тонна сут, 614 тонна жун, 98 тонна пилла, 88150 дона қорақўл тери, 820 минг дона тухум, 1600 тонна дон, 4 минг тонна узум, 1240 тонна майиз, 135 минг тонна хўл мева ва бошқа хил чорвачилик ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари сотиш мажбуриятини олганлар. Уларнинг айрим турлари — пилла, қорақўл тери, дон сингари маҳсулотлар етиштириш плани бугунгача ошириб бажарилди. Шунингдек, 4 миллион сўмлик қурилиш ишлари, кўплаб социал-маданий тадбирлар амалга оширилди. Шубҳасиз, бу ютуқларнинг ҳаммасида район партия комитетининг жойлардаги активлари қўшаётган ҳисса ғоят салмоқлидир. Улар КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, партия XXV съезди. КПСС Марказий Комитетининг июль, ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этишда район партия комитетига асосий таянч бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Э. ЭРГАШЕВ,
Қўшработ район партия комитетининг биринчи секретари.

ТУЯМЎЙИНДА ТУҒИЛГАНЛАР

Дружба шаҳрининг янги квартали бўйлаб бораркансиз, қўшқаватли чиройли бино эътиборингизни тортади. Бу — якинда фойдаланишга топширилган 280 ўринли болалар комбинати. Олдинги йилларда қурилган болалар муассасалари каби бу комбинатда ҳам Туямўйин бунёдкорларининг фарзандлари тарбияланмоқда. Қурилаётган 120 ўринли боғча эса болалар йилида қурувчиларнинг кичкинтойларга туҳфаси бўлади.

Болалар комбинатида бўлганимизда, бу ерда кичкинтойлар катта ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан қуршаб олинганлигини яна бир бор яққол ҳис этдик. Мавжуд 12 та группанинг ҳар бирига щинам, ёруғ хоналар ажратилган. Машғулот ўтказиладиган, болалар ювинадиган, овқатланадиган, дам оладиган алоҳида хоналар тегишли асбоб-ускуналар, мебеллар билан жиҳозланган. Группалар машғулот учун кўргазмали қуролларга, кўлланма ва дарсликларга, ўйинчоқларга эга.

Мана, тайёрлов группаси тарбиячиси Светлана Аҳмедова нутқини ўстириш бўйича расмлар асосида машқ ўтказаётир. Жажжиларнинг эҳтиёжи ўткир. Улар сўзларкан, расмлар гўё жонланади ва тилга киради.

— Группамизда рус, ўзбек, қозоқ, бошқирд, корейс, хуллас, ўн миллатга мансуб болалар тарбиланмоқда. Уларнинг ота-оналари Туямўйиндаги қурилиш объектларида ҳар хил касбларда ишлайдилар. Жажжи ўғил-қизчаларни кўриб қувонасиз: бир оила, бир ота-она фарзандларидек аҳил, иноқ. Рус тили уларнинг иккинчи она тили. Қувноқлар орасида биз ўзимизни ҳамиша хушчаққаҳ, бахтиёр ҳис қиламиз. — деди тарбиячи С. Аҳмедова.

Музика кабинетида. спорт майдончасида машқ қилаётган шўх болакайларнинг қалбларида тўлиб-тошган орзу-истаклари ҳис қилиш қийин эмасди. Уларнинг кўзларида келажакка ишонч учқунлари порлайди. юраклари парвозга талпинади. Тарбиячилар Нина Потапова, Малика Абдуллаева, Анна Табулдина. Алфиза Қурбонова. энагалар Олтинсоч Қурбонова, Маҳсума Каримова, Света Сироткина. медицина ҳамшираси Людмила Лебедева. методист Раиса Бережнева каби аёлларнинг меҳр-муҳаббати туфайли болалар ўзларини она бағридагидек ҳис этишади.

Ҳамма яхши нарсалар — болаларга, деган шиорнинг амалий ифодасини комбинатда яратилган шароит мисолида ҳам кўриш мумкин. Тарбияланувчилар бежирим кийим-кечак билан таъминланган. Лаззатли таомлар. ширинликлар муҳайё. Валентина Городко, Бибигул Тўраева тайёрлаган тотли овқатлар болаларга доим манзур.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ҲИММАТ

Фабрика коллективининг умумий йиғилиши бўлаётган эди. Илғор ишчи Мисиржон Холиқов минбардан туриб шундай деди: «Партия ва ҳукуматимизнинг келажак авлод тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганидан беҳад миннатдормиз. Ана шу ғамхўрликка жавобан мен Халқаро болалар йилида ҳар қачонгидан ҳам самарали ва сифатли ишлашга ҳамда бу йил 1983 йил календарини очишга сўз бераман. Халқаро болалар йилини муносиб нишонлашга ўз ҳиссамни қўшиш ниятида бир кунлик иш ҳақимни болалар муассасалари қурилиши фойдасига ўтказишга аҳд қиламан ва сизларни ҳам шунга чақираман!».

Хўжалик ва маданий буюмлар фабрикаси директори Қ. Сарибоев ўрнидан туриб, залга юзланди-да, қувончини яширолмади:

— Ажойиб ташаббус!.. Раҳмат, сизга, Мисиржон. Хўш, сизлар нима дейсизлар?

Директор яна бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, оҳак цехининг бошлиғи И. Исҳоқов қўл кўтариб қолди:

— Мисиржон жуда тўғри гапни айтди. Фарзандларимиз бахти учун ҳар қандай жасоратга ва ҳимматга тайёрмиз. Мен цехимиз коллективи фикрини ифодалаб, янги ташаббус муносабати билан ўтказиладиган шанбаликда икки ҳисса иш бажаришга сўз бераман.

Мебель цехи бошлиғи С. Қодиров ҳам ҳамкасби фикрини қувватлаб, болалар боғчалари учун керакли мебель ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилашга коллектив номидан сўз берди. Сўзга чиққан бошқа ишчилар ҳам Мисиржоннинг ташаббусини тўла маъқуллаб гапирдилар. Йиғилишда фабрикада шанбалик ўтказиб, 150 ишчи кучи билан 3500 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва шундан 500 сўмини болалар муассасалари ихтиёрига ўтказишга қарор қилинди.

Эртасига бу ташаббус Олтиариқўл районига кенг тарқалди. Район партия комитети бюросига келган директорни райком секретари биринчи бўлиб табриклади.

— Мисиржоннинг ҳиммати энди фабрикамиз ташаббусига айланди. Мана, мурожаат ҳам ёзиб келдик, — деди директор. Ташаббус маъқулланди.

Фабрика байрам тусини олди. Ишчилар одатдагидек ўз дастҳоҳлари ёнида бўлдилар. Бир гайратларига ўн гайрат қўшиб ишладилар. Корхонанинг фахри ҳисобланган М. Маннопов, Т. Сатторов, Ж. Умаров сингари ишчилар шу кунн 2—2,5 ҳисса иш бажаришди.

Райондаги хўжалик ва маданий буюмлар ишлаб чиқариш фабрикаси коллективи бошлаган хайрли иш қувончли самаралар бераётир.

Н. САИДОВ,
Андижон области.

«ЗАМОНАМДАН ЎРГИЛАЙ...»

Сўлим оқшом. Кечки шабада гуллар ҳидини димоққа уради. Малоҳатхон буви меҳмон кутиш тараддудида. Чеҳрасида қувонч. Ҳали замон уни кўргани ўғил-қизлари, келинлари, невара ва чеваралари келиб қолишади. Бу йиғин оддий маросим эмас, балки онахоннинг 106 ёшга тўлган куни катта оила даврасида байрам қилинади. Шунинг учун ҳам онахоннинг кўнгли чоғ.

Малоҳатхон буви Назарқулова Хўжаобод районидаги Абдулла Набиев номли колхознинг Хидирша қишлоғидагина эмас, балки райондаги энг кекса ва мўътабар онахонлардан бири.

Колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари онахон ҳузурига тез-тез келиб турадилар. Қишлоқ аҳли уни «жонли тарих» деб бежиз айтишмайди. Чунки қишлоқнинг революциядан олдинги хароба қиёфаси ва ҳозирги тараққиёти унинг кўз ўнгида рўй берган.

— Давримиздан ўргилай. Ҳамма нарса муҳайё. Яшаб тўймайсан, — дейди онахон ким билан суҳбатлашмасин. — Бундай фаровон замонни кўриб берган Ленин партияси ва Совет ҳукуматига минг раҳмат.

Ҳалол меҳнатдан бахт топган онахон ҳузур-ҳаловатда яшамоқда. У 106 ёшга тўлган бўлса ҳам ҳали тетик. Малоҳатхон буви беш фарзанд ўстирди. Катта ўғиллари Маҳкамбой ва Музаффаржонлар Улуғ Ватан урушидан қайтиб келишмади. Ўғил-қизларидан ўттиз набира, 28 чевара, 16 эвара кўрди. Қизлари Гулчеҳрахон билан Ҳуртожихонлар эса «Қаҳрамон она»дирлар.

П.АБДУЛЛАЕВ,
А. ҚОРАЧАЕВА,
Хўжаобод райони.

ТАНҚИД

ҚАРОВСИЗ БОЗОР

Бугунги кунда азим шаҳримизда ўнлаб бозорлар мавжуд. Бу бозорлар бободеҳқонларимизнинг қалб қўри билан етиштирилган турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлиб-тошганлиги ниҳоятда қувонарли. Кўп бозорларнинг саранжомсаришталиги ва озодалигини кўриб, ич-ичингдан хурсанд бўласан, киши. Аммо «Назарбек» яъни «Хасково» совхози территориясидаги бозорга иши тушган одам уни нақадар қаровсиз аҳволда эканлигини, ифлослигини, бирон-бир тартиб йўқлигини кўриб, дили ранжимасдан иложи йўқ.

Тўғри, бозор майдонига бетон ётқизилган ва мол бозори темир панжаралар билан ажратилган. Бозорни айланар экансиз, шундай манзарага дуч келасиз. Бир томонда қорамоллар бозори, бир бурчакда гилам ва поёндозлар, қурт, қаймоқ, қатиқ бозори, бир бурчакда хўроз, товуқ, жўжа ва яна бир томонда арқон, нўхта, юган бозори. Ниҳоят, бозорнинг турли бурчакларида қатор туришиб айрон, сув, совуқ чой, қимиз ва бошқа салқин ичимликлар сотаётган болаларнинг бозорлари чаққон.

Санитария ҳолати ғоят ачинарли.

Ҳафтада бир бўладиган бозор бедарвоза эмас-ку! Мутасадди ташкилотлар бозорга назар ташлаб, тегишли чора-тадбирлар кўрадилар, деган умиддамиз.

Ҳ. СОДИҚОВ,
Тошкент гўшт комбинатининг бухгалтери.

Тошкент асбобсозлик заводининг илғор ишчиси Шевқи Иброҳимов тўққизинчи беш йиллиқда қўлга киритган муваффақиятлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган эди. У ўнинчи беш йиллиқда ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун зарбдорларча меҳнат қилаётир.

Суратда: Ш. Иброҳимов иш устида. У кундалик топшириқларни муттасил ортиғи билан адо этмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ОРБИТАДАГИ ИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 17 июль. (ТАСС). Владимир Ляхов билан Валерий Рюмининг космосни забт этиш тарихида энг узоқ муддатли учиши давом этмоқда. Улар Ер атрофи орбитасида 142 кундан буён ишламоқдалар. 1978 йилда 140 кун давомида парвоз қилган СССР космонавт-учувчилари Владимир Коваленок билан Александр Иванченков алоқа сеанслари вақтида бошқарилаётган комплекс экипажини ана шу ютуқдан ўзиб кетганлиги билан самимий қутладилар.

Космонавтлар Ляхов билан Рюмин илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларнинг белгиланган программасини муваффақиятли бажармоқдалар.

Бугун «Салют-6» станциясининг бирлашган мотор қурилмаси оксидлагич билан қўшимча равишда таъминланди. Экипаж оксидлагич билан қўшимча таъминлаш жараёнини назорат қилиб турди, бу иш учишни бошқариш марказидан берилаётган команда асосида амалга оширилди.

Комплекс ичида биологик экспериментлар давом эттирилмоқда. Космонавтлар «Биогравистат» прибори ёрдами билан сунъий гравитация шароитида олий ўсимликларнинг ривожини ўрганиш юзасидан тадқиқотларнинг навбатдаги туркумини бажармоқдалар.

Экипаж кун давомида илмий аппаратларни келгусидаги тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш учун тайёрлайдилар, техникавий ҳужжатлар устида ишлайдилар.

14 ва 15 июль кунлари космонавтларнинг актив дам олиши учун ажратилган эди. Экипаж станция хоналарини тозалаб чиқди, жисмоний машқлар билан шуғулланди, дам олди. Икки томонлама телевизион алоқа сеанслари вақтида Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин оилалари билан учраш-дилар.

Космонавтларнинг докладларига ва телеметрик ўлчовларнинг натижаларига кўра, «Салют-6» — «Союз-34» — «Прогресс-7» орбитал комплекс ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Ер атрофи орбитасида иш давом этмоқда.

ТЕЛЕЭКРАНДА «ОВУЛ ТОНГИ»

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Автоном Республикаси қишлоқ ва овулларининг қиёфаси тобора ўзгармоқда. Хутор системалари ўрнида социалистик шаҳарча типидаги ободонлаштирилган, нўқаламзорлаштирилган посёлкалар бунёд қилинмоқда. Кўплаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, ишга туширилди. Бундай қурилишларнинг кўлами яна ҳам авж олдириб юборилди. Аҳолига клублар, кутубхоналар, магазинлар, ҳаммомлар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, болалар боғчаси ва яслилар намунали хизмат кўрсатмоқда.

Овул меҳнаткашлари медицина пунктлари, аптекалар, амбулаториялар, поликлиникалар, касалхоналар, санаторийлар хизматидан мамнун бўлишмоқда. Газлаштириш ва водопровод линиялари ўтказишга катта ишлар амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон область партия комитети меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда область партия комитети «Овул тонги» телевизион конкурси ўтказишга қарор қилди. Бу конкурсда автоном республикадаги барча колхоз ва совхозлар иштирок этади. Конкурс асосан икки турдан иборат бўлиб, биринчи тур районларда ўтказилади. Бунда посёлкада газопровод, клублар, кутубхоналар, болалар боғчалари, яслилари, ҳаммомлар, маиший комбинатлар, медицина пунктлари, ҳаваскорлик тўгаракларига асосий эътибор қаратилади. Турли хўжаликлар бир-бирларига қиёс қилинади. Ана шу турда голиб чиққан хўжалик командалари эса телеконкурсда қатнашади.

Конкурс шу йилнинг охирида якунланади. Конкурснинг ўтказилиши овул маданиятини юксалтириш ва меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЗИЁ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

КИТОБ—ОММАГА

Партия идеология ишининг муҳим вазифаларидан бири меҳнаткашларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, совет кишилари маънавий ва маданий савиясини ошириш, ўсиб келаётган авлодни коммунизм идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. Бу олижаноб ишда инсоният томонидан яратилган битмас-туганмас маънавий бойликларнинг манбаи — китоблар ниҳоятда улкан, бебаҳо роль ўйнайди. Республикамизнинг энг оммавий жамоат ташкилотларидан бири — Ўзбекистон ССР китобхонлар қўғилли жамияти меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда китоб ва бошқа матбаа асарларидан янада активроқ фойдаланишга, ижтимоий-сиёсий, илмий-техник, махсус ва бадиий адабиётларни кенг пропаганда қилиш ва тарқатишга, китобхонлар фаолиятларини бирлаштириб, муайян йўналишга солишга, аҳоли кенг қатламларини китобга жалб этишга даъват этилган.

Партия ва совет ташкилотларининг кундалик ғамхўрлиги ва қўлаб-қувватлаши туфайли республикамизда китобхонлар ҳаракати ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини вақтли бўлмаган босма нашрлар ёрдамида пропаганда қилиш кенг авж олдирилди, ўтказилаётган тадбирлар меҳнаткашларни барча хўжалик ва маданий фаолият соҳаларида ўнинчи беш йиллик вазифаларини бажаришга сафарбар этишга имкон бераётир.

Республика китобхонлар жамияти бўлимлари ва бошланғич звенолари фаолияти меҳнаткашлар, пенсионер ва ўқувчи ёшларга бўш вақтни тўғри, фойдали ва оқилона ташкил этишга, уларни китобга жалб этишга қаратилгандир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўн иккита область, 30 шаҳар, 153 район бўлимлари ва 10 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар китобни чин дилдан севадиган ва уни пропаганда қилиш ишига меҳр қўйган турли ёш ва касбдаги 700 минга яқин кишини бирлаштириб турибди.

Жамият фаолиятида тарғиботчилик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Китоб фондларидан самарали фойдаланишга, турли тадбирларнинг ташкилий-ғоявий савияси, сифат ва мазмунини янада оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Саноат корхоналарида, ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида, қишлоқларда 30 мингдан зиёд лекция ўқилди, китоб муаллифлари билан 17 мингдан ортиқ учрашув, энг муҳим нашрлар бўйича 13 мингга яқин китобхонлар конференциялари ўтказилди. 19 мингдан ортиқ тематик китоб кўргазмалари ташкил этилди, 1700 та жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхона, 340 китобхонлар клуби, 1100 халқ китоб магазинлари ташкил этилди. 25 минг киши жамоатчилик асосида китоб тарқатиш иши билан шуғулланмоқда. Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари нашр этилиши улкан воқеа бўлди.

Республика Китобхонлар жамияти фаолиятини кучайтиришда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қудратли омил бўлиб қолди. Жамиятимиз ташкилотлари ишни шу қарор асосида қайта ташкил этишга коммунистик қурилишнинг муҳим масалаларига оид энг актуал нашрларни, юксак ғоявий-сиёсий ва бадиий савиядаги китоблар, тематик кутубхоналар ва туркум китобларни пропаганда қилиш юзасидан тадбирлар белгилаб олдилар. Ҳозирги кунда республика Китобхонлар жамияти ташкилотларида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов кампанияси ва жамият II съездига тайёргарлик ишлари партия Марказий Комитетининг ана шу кейинги муҳим ҳужжатидан келиб чиқадиган вазифаларни актив муҳокама қилиш ва бажаришга қаратилган.

Китобларни лекция йўсинида тарғиб қилиш ишларини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Барча бўлимларда китоб лекцияси пропагандаси бўйича бюро ҳамда илмий-методик советлар ташкил этилди. Жамиятнинг барча ташкилотларида «Ленинча ўқишлар», атоқли адиблар юбилейларига бағишлаб туркум лекциялар ва китобхонлар конференциялари ўтказилди. Лекция пропагандаси ҳақида сўз борганида жамият Марғилон шаҳар бўлимининг ибратли ишларини таъкидлаш ўринлидир. Бу ерда «Китоб» лекторийси ташкил этилган бўлиб, китоб нашр этишнинг бугунги аҳволи тўғрисида, ноёб нашрлар, янги китоб авторлари, китобларнинг бедеги тўғрисида мунтазам равишда лекциялар ўқилади.

Республика мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида ёш китобхонлар билан катта иш олиб борилмоқда. Ёшларда китобни авайлаб асраш, улардан фойдаланиш фазилатларини шакллантиришда бадиий кечалар, мунозаралар, суҳбатлар ўтказиш формаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Жамият ташкилотлари район, колхоз ва совхоз кутубхоналари, матлубот кооперацияларининг китоб савдоси билан шуғулланувчи муассасалари билан ҳамкорликда қишлоқларда ижтимоий-сиёсий, илмий-техник адабиётлар ва бошқа босма маҳсулотларни пропаганда қилишда муайян тажриба тўпладилар. Бутуниттифоқ кўриги доирасида республикада ўтказилган ижтимоий-сиёсий ва ёшлар китоблари, сиёсий плакатларни қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида пропаганда қилиш ва тарқатиш ишлари, шунингдек район, қишлоқ, колхоз ва совхоз кутубхоналарининг «Китоб — оммага» шиори остида ўтказилган кўриги натижалари эътиборга лойиқ. Ана шундай тадбирлар туфайли қишлоқларда жамиятимизнинг коллектив аъзолари сони кўпайиб бормоқда. Биргина Шаҳрисабз районида 30 колхоз ва совхоз коллектив аъзо бўлди. Шу районда 3 та китобхонлар клуби ишлаб турибди.

Наманган областининг Тўрақўрғон, Учқўрғон, Задарё, Косонсой, Янгиқўрғон районлари колхоз ва совхозларида ёзувчи ва шоирларнинг пахтакорлар билан 20 дан ортиқ учрашуви. Чустда эса қишлоқ хўжалиги китоблари ҳафталиги ўтказилди.

Республика Китобхонлар жамияти «Узкниготорг» ва «Ўзбекбирлашув» билан ҳамкорликда шу йил 1 февралдан 1 октябргача халқ китоб магазинлари ва киоскаларининг республика жамоат кўрик-конкурсини ўтказмоқда.

Республикамиз китобхонлари Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари юзага келган ажойиб анъана — янги қурилишлар, колхоз ва совхозлар учун китоб йиғиш анъанасини давом эттирмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзидагина Қувасой цемент заводи, Андижон сув омбори қурилиши, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона иссиқлик электр маркази ва бошқалар учун қутубхоналарга юзлаб китоблар йиғиб берилди.

Китоб пропагандаси ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида жамият фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон шаҳарлари номи билан аталувчи кема экипажлари оталиққа олинди, улар билан дўстона алоқалар ўрнатилди.

Жамият аъзолари олдида улкан вазифалар турибди. Барча совет халқи қатори улар ҳам доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига ва КПСС XXVI съездига тайёргарлик ишларини бошлаб юборишдилар. Бу ишлар Ленин меросини, доҳий ҳаёти ва фаолиятига оид мемуар материалларни, Ленин ғояларининг Ўзбекистондаги тантанаси ҳақида ҳикоя қилувчи китоб, брошюра, тасвирий нашрларни кенг пропаганда қилишдан иборат. Бир қанча нашриётлар билан ҳамкорликда ленинча миллий сиёсат тантанаси, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, шунингдек, халқларнинг интернационал ва қардошларча дўстлиги проблемаларига бағишланган нашрларни тарғиб қилиш тадбирлари плани ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон китобхонлари марксизм-ленинизм ғояларини, доҳий Ленининг ўлмас меросини, партия ва ҳукуматимиз қарорларини, бадиий, илмий-техник, болалар адабиётларининг энг яхши намуналарини бундан буён ҳам янада зўр ғайрат билан пропаганда қилиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун курашнинг олдинги марраларида боришга қатъий аҳд қилганлар.

Ғ. ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон ССР Китобхонлар жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари.

ИЛҒОР ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ МИНБАРИ

ТЎКИН ДАСТУРХОН УЧУН

Хўжалигимиз Андижон областининг шимолида жойлашган. Қардош Қирғизистоннинг Ўш области билан чегарадош. Қирғиз дўстлар билан бир ариқдан сув ичамиз. Илгари пахтачилик билан шуғулланар эдик. 1976 йили совхозимиз картошка, сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилди. Етиштирган маҳсулотимизни асосан Андижон сув омбори гидроқурувчиларига тортиқ қиламиз.

Биринчи йили картошка, сабзавот билан бирга пахта ҳам етиштирдик. Чорвачилик, боғдорчиликни юксалтиришга бел боғладик. Бироқ пахтачиликдан бирданига картошка, сабзавот етиштиришга ўтиш осон бўлмади. Деҳқончиликнинг янги тармоқларини юксалтириш йўлида кўп тер тўкдик. Резервларни қидириб топдик, ерлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Биринчи хирмон чакки бўлмади. Хўжалигимиз 2 минг тонна картошка, 3 минг тонна сабзавот, 1100 тонна пахта, 1000 тонна дон етиштирди. 120 тонна гўшт, 700 тонна сут, 150 минг дона тухум, 8 тонна жун сотди.

Дастлабки ғалаба совхозимиз коллективига куч-қувват бахш этди. Пахтачиликдан бутунлай картошка, сабзавот, мева етиштиришга ўтдик. Уч йил давомида хўжалигимиз анча ўсди. Энди баъзи бир якунларни чиқарса бўлади. Бўрноғи йилга нисбатан картошка етиштириш 1150 тонна, мева 300 тонна, пилла 19 тонна, беда уруғи 10 тонна, жун 1 тонна кўпайди.

Совхозимиз коллективининг бу йилги режалари катта. Аҳолига 4,5 минг тонна картошка, 3,5 минг тонна сабзавот, 12 тонна беда уруғи, 800 тонна сут, 160 тонна гўшт, 300 минг дона тухум, 350 тонна мева етказиб берамиз.

Юксак мажбуриятни бажариш учун астойдил курашяпмиз. Коммунист ва комсомоллар, ишнинг кўзини биладиган кишилар асосий участкаларга юборилди. Ишчилар ўртасида юқори кўрсаткичлар учун мусобақа авж олдирилди. 250 гектар майдонга эртаги картошка экканмиз. Яна шунча ерга кечки картошка экдик.

Картошка етиштириш жонкуярлари ҳақида алоҳида гапириб ўтишни истардим. Абдурайим Мирзараҳимов ишчан бригадир. Район Советининг депутати. Тажрибали деҳқон. Биз ундан хурсандмиз. У раҳбарлик қилаётган бригадада эртаги картошка мўл бўлди. Мадамин Ҳайдаров, Ашурали Йўлдошев бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосил чакки эмас.

Абдуваҳоб Абдураҳмонов, Зоиджон Ашуров, Салоҳиддин Сўйпиев ва бошқа механизаторлар кечки картошка қатор ораларига ишлов беришда фидокорлик кўрсатаётирлар. Таваккал Пўлдошев, Маматўхта Мамарасулов сингари сувчилар ҳам кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишламоқдалар.

Совхозимиз бултур давлатга 5 тонна карам топширган эди. Ҳозиргача аҳолига 100 тоннадан зиёд карам бердик. 10 гектар кечки қарам экиб, йил охиригача ҳаммаси бўлиб 300 тонна карам етиштиришга аҳд қилдик.

90 гектар майдонда пиёз ўстиряпмиз. Аҳолига камида 2 минг тонна пиёз армуғон этамиз. Бу, ўтган йилдагидан 1100 тонна кўп. 500 тонна помидор, 100 тонна бодринг, 100 тонна сабзи етиштириш учун курашяпмиз. Ҳурвой Қосимов, Ади Абдулқосимов, Кимсанбой Турғунов, Фозил Аллақулов ва бошқалар бу курашнинг олдинги сафида бораётирлар.

Биз боғдорчиликка алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳозир 200 гектар боғимиз бор. Шундан 60 гектари мевага кирди. Адирдаги боғимиз 90 гектарга етди. Бундан ташқари, яна 200 гектар янги боғ яратамиз, 100 гектар узумзор барпо этамиз. Яқин келгусида савхозимиз картошка, сабзавот билан бирга боғдорчиликка ҳам ихтисослаштирилади. Одилжон Холдоров, Адҳамжон Иноятов, Абдумалик Умаралиев ва бошқалар боғдорчиликни юксалтиришда таҳсинга лойиқ ишлар қилишяпти.

М. ОЛИМЖОНОВ,
Қўрғонтепа районидаги Фрунзе номли совхоз директори.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Хўжалигимиз пахтакорлари, азамат механизаторлари республикамиз партия ва ҳукуматининг оташин Мурожаатини қизғин кутиб олдилар. Коллективимиз учун ою Мурожаат муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Барча бригадалар, звенолар ою муҳим ҳужжатни кенг муҳокама қилиб, уз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишяпти, юксак мажбуриятга яраша мул ҳосил етиштириш учун конкрет тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Меҳнатсевар пахтакорларимиз 1405 гектар майдондаги ғўзага сифатли ишлов бермоқдалар, озиқлантирмоқдалар. 120 нафар моҳир сувчиларимиз унумли меҳнат қилиб, усимликнинг авж олишига катта ҳисса қўшишяпти. Кенг майдонларда ғўзалар ёппасига гуллаб, бирин-кетин кўсак туга бошлади. Кеннинги кунларда ҳавонинг анча исиганлиги туфайли усимлик яхши ривожланяпти. Меҳнаткашларимиз ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришга, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришга, суғориш ишларини ҳар қачонгидан ҳам сифатли утказишга, оғонга утларга ва зарарли ҳашаротларга қарши омилкорлик билан курашишга доимо алоҳида эътибор берио келмоқдалар.

Колхозимиз бўйича бу йил ҳар гектар майдондан мажбуриятдаги 46 центнер ўрнига 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кутаришга қарор қилинди. Хўжалигимизда бундан ҳам юқори марраларни кўзлаб ғўза парваришини Мурожаатда кўрсатилганидек юксак агротехника қоидалари асосида олиб бораётган коллективларимиз оз эмас. Ҳар гектар ердан 60 центнерлик марра учун курашаётган И. Қозоқов, Ф. Баҳромов, У. Маъмуров, Ҳ. Ҳолов бошлиқ бригадалар коллективлари, айниқса, зўр ғайрат ва тадбиркорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Бу бригадалар далаларидаги ғўзалар қийғос гуллаб, бир-иккитадан кўсак тугди. Экинларни парвариш қилишда механизаторлардан «Ҳурмат Белгиси» орденли С. Ярашев ҳамда И. Камолов, Т. Каримов, У. Абдуллаев сингари ўртоқлар ғайрат кўрсатишяпти.

Хўжалигимиз экинзорларида 48 та культиватор, 120 та сувчи юксак унум билан ишлаяпти. Ҳар куни 150—160 гектар экинзорга сифатли ишлов берилмоқда. 150 гектар атрофидаги ғўзаларга сув таралмоқда. Илгор механизаторлар ва сувчиларимиз ўртасидаги социалистик мусобақа тобора авж оляпти. Мусобақа якунлари ҳар ўн кунда кўриб чиқилаётир. Голибларга кўчма вимпеллар тақдим этилмоқда. Колхозимиз правлениеси биноси олдидаги тантанали маросимлар майдончасида мусобақа илғорлари шарафига шонли шуҳрат байроғи кўтарилиб турилади.

Мурожаатга жавобан ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдамиз. Зиммага олинган юксак мажбуриятимизни ортиқ билан бажариш имкониятини берадиган пахта ҳосили бунёд этамиз. Бунга ишончимиз комил. Ғўзаларимизни шу кундаги баравж ўсиши ва мўл ҳосил нишоналари шундан далолат бермоқда.

Розиқ ХОЛИҚОВ,
Пешку районидаги Куйбишев номли колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Қарши шаҳрида янги болалар поликлиникаси очилди. У бир сменада 250 беморни қабул қилиш учун мўлжалланган бўлиб, энг янги медицина аппаратлари билан жиҳозланган. Бу — область марказидаги иккинчи болалар поликлиникасидир.

Халқаро болалар йилида Қашқадарё областида болалар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишни янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг кенг комплекси белгиланган. Янги шифохоналар қуриш — ана шундай тадбирлардан биридир. Шаҳрисабз районида болалар санаторийси фойдаланиш учун топширилди, ёш Ғузор шаҳри ҳам болалар касалхонасига эга бўлди. Кўпгина район марказларида болалар стоматология поликлиникалари қурилмоқда.

(ЎзТАГ).

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ОКРУГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БЕРЛИН. ГДРнинг шимолий қисмида жойлашган Шверин округининг экономикаси тез суръатлар билан ривожланмоқда. Социалистик хўжалик юритишнинг ўтган 30 йили шу районнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Бу район ўтмишда саноати кам ривожланган ва ҳосилдорлиги жуда паст бўлган.

Эндиликда шу округда бутун мамлакат масштабида ишлаб чиқариладиган юк автомобилларнинг 36 процента, кабелнинг 30 процента, гидравлик системалар ва агрегатларнинг 22 процента тайёрланмоқда.

Округ маркази — Шверин шаҳрида Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами билан химия саноатининг, кончилик саноатининг йирик заводлари, уйсозлик комбинати, ТЭЦ қад кўтарди. Бу ерда 50 минг аҳолига мўлжалланган янги район барпо этилди.

КОЛЛЕКТИВ МЕҲНАТ АФЗАЛЛИГИ

ХАНОЙ. Вьетнамда энг йирик Дарлак вилоятида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш асосан тугади. Бу вилоят табиий бойликлари мўл, лекин илгари социал жиҳатдан Жанубий Вьетнамнинг қолоқ райони ҳисобланган марказий платонинг қарийб ярмини эгаллаб турибди. Вилоятда юздан ортиқ қишлоқ хўжалик кооперативлари ва неча юзлаб ўзаро ёрдам группалари бор. Улар барча деҳқон хўжаликларининг 90 процентдан кўпини бирлаштирган. Шу жумладан, 34 кооперативга платонинг туб аҳолиси бўлган майда миллатларнинг вакиллари кирган. Кооперативлар фаолиятининг якунлари якка хўжаликдагига нисбатан коллектив меҳнатининг устунлигини очиқдан-очиқ кўрсатди. Деҳқонларнинг даромади 10—15 процент кўпайди.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

ПХЕНЬЯН. КХДРнинг пойтахтини мамлакаткинг шарқий соҳилларк билан туташтирган 200 километрли масофадаги автомобиль йўлида яқинда кумуш — ҳаворанг машиналар қатнай бошлади. Бу машиналар Пхеньян троллейбус заводи ишлаб чиқаришга киришган «Тхэбэксан» маркали рефрижераторлардир. Улар Вонсандан Пхеньян магазинларига балиқ маҳсулотлари келтириб беради.

Завод лойиҳасини тузган коллектив ва ишчилар 3,5 тонна юк кўтарадиган шундай машиналарни ишлаб чиқаришни муддатидан илгари ўзлаштирдилар. Бу машиналар тез юриши, кузовининг оригинал ва қулайлиги, иссиқлик ўтказмаслиги билан ажралиб туради. Пхеньян автомобилсозларининг меҳнатда эришган ғалабаси пойтахтни балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга имкон беради.

(ТАСС).

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикаси пойтахтидаги газета киоскасида.

В. Кошевой фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри М. Десаи президентга ўзи бошчилик қилаётган ҳукуматнинг истеъфо берганлиги тўғрисидаги аризасини топширди. Ҳиндистон президенти Н. С. Редди истеъфони қабул қилди. Президент М. Десаидан ва унинг кабинети аъзоларидан янги ҳукумат тузилгунча ўз вазифаскни бажаришни давом эттиришни илтимос қилди, дейилади президент саройининг эълон қилинган баёнотида.

13 министр ва давлат министрлари ҳукумат составидан чиққандан кейин М. Десаи истеъфо беришга қарор қилди.

✦ ТОКИО. Япония Коммунистик партиясининг вакиллари маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларига сайловларда муваффақият қозонмоқдалар. «Акахата» газетасининг хабар беришича, мамлакатнинг бир қанча районларида ўтган якшанба куни муниципал мажлисларга бўлиб ўтган сайловда Япония Коммунистлар партиясининг 19 номзоди сайланди. Сайлов натижасида Компартиянинг шу мажлисларидаги вакиллар сони яна олти кишига кўпайди.

● РИМ. Таранто шаҳрида (Апулия области) Италия коммунистларининг «Унита» газетасида Коммунистик партия фестиваль тугади. Икки ҳафта давом этган фестиваль доирасида коммунистик партия тарихи тўғрисида, меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашлари ҳақида ҳикоя қилувчи жуда кўп кўргазмалар ташкил этилди.

● НИКОЗИЯ. Кипр ёшларининг бирлашган демократик ташкилоти ва ёшларнинг бошқа ташкилотлари Никарагуа халқининг қонхўр Сомоса режимига қарши олиб бораётган курашини қувватлаб чиқдилар. Улар қабул қилган резолюцияларда АҚШ ҳамда диктатор Сомосанинг бошқа ҳомийлари Никарагуа ватанпарварларининг ғалабасига тўсқинлик қилишга уринаётганликлари қатъиян қораланади ва шу мамлакатнинг миллий ватанпарвар кучлари билан бирдамлик изҳор этилади.

● НЬЮ-ЙОРК. Америкадаги «Ёлларнинг миллий сиёсий мажлиси» деб номланган жамоат ташкилотининг ҳар икки йилда бир марта Цинцинати шаҳрида ўтказиладиган съездига икки минг делегат тўпланди. Съезд уч кун давом этади. Съезд қатнашчилари Америка аёлларининг тенг ҳуқуқлилиги учун кураш проблемаларини муҳокама қиладилар.

● КОБУЛ. Бу ерда Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Мажлисда Афғонистон Халқ-демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси Н. Тараки мамлакатдаги ички аҳвол ва баъзи бир муҳим халқаро проблемалар тўғрисида доклад қилди.

● ЛУАНДА. Бу ерда Ангола меҳнаткашлари миллий иттифоқининг мамлакатда социалистик мусобақани ривожлантириш масалаларига бағишланган конференцияси очилди. Ангола меҳнаткашлар миллий иттифоқи бош секретари П. Лувуалу конференцияни очиб сўзлаган нутқида бундай деди: социалистик мусобақа меҳнаткашлар оммасининг ижодкорлигини ошнатишга, ишлаб чиқариш самаранинг кўпайтиришга ва оқибат натижада мамлакатнинг иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларини муваффақиятли бажаришга ёрдам беради.

(ТАСС).

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ЖАСОРАТИ

Прагаининг «Свобода» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг хотиралар тўплами чех тилида чоп этди. Бу тўпламга Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари киритилган.

Нашриёт директори Е. Полонци бундай деди: мамлакатимиз жамоатчилиги Ўртоқ Л. И. Брежневнинг алоҳида нашр этилган китобларини эҳтиёж билан кутиб олди. Бу китобларда КПСС ва совет меҳнаткашларининг бой тажрибаси умумлаштирилган, халқнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш давридаги буюк жасорати кўрсатиб берилган. Фашизмга қарши олиб борилган урушнинг, совет экономикасини тиклаш ва қўриқ ерларни очиш қаҳрамонона эпопеяси бевосита иштирокчисининг гоят ҳаққоний далиллари ёшларимизнинг ва кекса авлодга мансуб кишиларнинг ақл-идрокига шавқ-завқ бахш этмоқда. Л. И. Брежнев хотираларининг кўп нуса нашр этилган тўплами китобхонларимизга совет халқининг уруш ва тинч қурилиш йилларидаги жасорати улуғворлигини яхши англаб олиш учун ёрдам беради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев, деди у, ўз асарларида совет кишисининг ўзига хос хусусиятларини — Ватанга муҳаббат, курашда сабот-матонатли бўлиш, ғоявий эътиқод, мардлик, улуғ ишларни бажаришга қобиллик каби ҳислатларини очиб беради. Коммунистик партия тарбиялаб ўстирган ана шу оилажаноб фазилатлар Л. И. Брежневнинг китобларида ҳар томонлама акс эттирилди. Хотираларнинг муаллифи Советлар мамлакати халқлари барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — КПССнинг ҳормай-толмай қилаётган ишларини кўрсатиб берганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истаймиз.

Л. И. Брежневнинг хотираларини ўз ичига олган китоблар ўзига хос қомус бўлиб қолди. Партия активимиз, коммунистлар, социалистик ёшлар союзининг аъзолари, ишчилар ва деҳқонлар ўз юртимизда социалистик қурилиш проблемаларини ҳал этган чоқда ҳар safar шу қомусга мурожаат қиладилар. Биз, деди сўзининг охирида Е. Полонци, бу китобларда ўзимизни қизиқтирган масалаларга жавоб топамиз.

(ТАСС).

«САНДИНО РАДИОСИ» ГАПИРАДИ

ТАССнинг махсус мухбири В. Шеховцов Никарагуанинг озод қилинган районидан хабар беради:

«Биз Никарагуани озод қилиш учун ғалаба қозонгунча курашамиз!». Никарагуанинг озод қилинган районларидан бирида ишлаётган «Сандино радиоси» радио станцияси ўз эшиттиришларини Никарагуа ватанпарварлари гимнининг шу сўзлари билан бошлайди.

Қўзғолончилар жанубий фронтининг қўмондонлиги бизга радиостанцияни бориб кўриш ва унинг иши билан танишиш имкониятини яратиб берди.

Радиостанциянинг директори Марио ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Сандино радиоси» ишлай бошлаганидан буён ярим йилдан сал кўпроқ вақт ўтганига қарамай, у Никарагуеда жуда катта шуҳрат қозонди. Минг-минглаб ватандошлар эшиттиришларимизни ҳар куни тинглайдилар.

Биз, деб ҳикоя қилади Марио, радиоэшиттиришларимизнинг программаларини тузиб чиқиш вақтида никарагуаликларнинг қарийб 70 проценти ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмаганлигини эътиборга оламиз. Радио улар учун ахборотнинг бирдан-бир манбаидир.

Марио бизга контроль пунктлар ва уларда «Сандино радиоси» хабарларининг қай даражада эшитилиши қайд этилган картани кўрсатди. Бизнинг овозимиз, дейди у, Никарагуанинг барча территориясида, шунингдек кўшни мамлакатларда — Гондурас, Коста-Рика, Сальвадор ва Гватемалада равон эшитилганлигини кўриб турибсиз. Сомоса режими амалга ошираётган жабр-зулмдан қочиб кетган неча ўн мингглаб никарагуаликлар ана шу мамлакатларда яшайдилар.

ХОШИМИН ШАҲРИДА СУД МАЖЛИСИ

Хошимин шаҳрида халқ ҳокимиятини ағдариб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган контрреволюцион ташкилот аъзоларидан 20 кишининг иши юзасидан ВСР олий халқ судининг очиқ мажлиси бўлди. ВИА агентлигининг хабар беришича, Сайгон режимининг собиқ офицерлари ва амалдорлари бу ташкилотга аъзо бўлиб кирганлар.

Айбдорларнинг ҳаммаси АҚШ империализми ва Пекин раҳбарларининг Вьетнамга қарши кирдикорларига мувофиқ ҳаракат қилганлигига ва контрреволюцион тўнтариш ясашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигига иқрор бўлди.

Суд ташкилотнинг икки бошлиғини ўлим жазосига, қолган айбдорларни 2 йилдан тортиб 20 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилди.

(ТАСС).

РАДИОЛОГИЯ ҚУРОЛИ ТАҚИҚЛАНСИН

Маълумки, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Картер ўртасида Венада ўтказилган учрашувда стратегик қуролларни чеклаш (СҚЧ-2) тўғрисидаги шартнома имзоланганлиги бошқа масалалар устидаги музокараларга ҳам ижобий таъсир ўтказиши лозим, деган муштарак бир фикрга келинди. Шу масалалар орасида радиологик қуролни тақиқлаш масаласи ҳам тилга олинди. Венадаги учрашув қатнашчилари радиологик қуролни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқаришни, тўплашни ва ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги шартноманинг асосий жиҳатлари бўйича ҳар иккала томон бир битимга келганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Женевада ўтказилган икки томонлама музокараларда мазкур ҳужжат текстини узил-кесил келишиб олиш ниҳоясига етказилди ва шу йил 10 июлда Совет—Америка қўшма таклифи қуролсизланиш комитетига топширилди.

Шундай қилиб бу қўшма таклиф қуролланиш пойгасини чеклаш соҳасида Венада тузилган битимни амалга ошириш натижасида АҚШ ва СССР томонидан кўрилган дастлабки конкрет чораларнинг бири бўлади.

Совет — Америка қўшма ташаббуси қуролсизланиш комитетида ижобий кутиб олинди. Тақдим этилган лойиҳа, деб таъкидлашди комитет аъзолари, оммавий қирғин келтирадиган мана шу даҳшатли қуролни тақиқлаш тўғрисида халқаро битимни тезроқ ишлаб чиқиш учун асос бўлди.

Ялпи қирғин қуролининг янги турларини ва системаларини тақиқлаш масаласини қўйишда Совет Иттифоқи ташаббус кўрсатди. 1975 йил 13 июнда Ўртоқ Л. И. Брежнев сайловчилар ҳузурида бундай деди: «гап давлатлар ва аввало йирик давлатлар ўртасида ялпи қирғин қуролининг янги турларини, бундай қуролнинг янги системаларини яратишни тақиқлаш тўғрисида битим тузишлари ҳақида боряпти.

Ҳозирги замон фан ва техникасининг даражаси шундайки, ҳатто ядро қуролидан ҳам даҳшатлироқ қуролни вужудга келтириш каби жиддий хавф пайдо бўлмоқда. Инсониятнинг ақл-идроки ва виждони бундай қуролнинг пайдо бўлиши йўлига мустаҳкам ғов солиш зарур эканлигини тақозо этмоқда».

Хўш, вужудга келтириши реал иш бўлиб қолган радиология қуролининг ўзи нима? — Бу — ялпи қирғин қуролининг янги тури бўлиб, уни қўлланиш оммавий қирғин келтирган бўлур эди. Ундаги радиоактив нур билан одамларни қирадиган радиоактив материал ядровий портлаш маҳсули эмас (унинг ядро қуролидан фарқи ҳам мана шунда). Шунга қарамай радиологик қурол келтирадиган қирғинниг миқёси ядровий портлаш натижасида ҳосил бўладиган ва теварак атрофни радиоактив моддалар билан заҳарлайдиган радиоактив материаллар келтирувчи қирғин миқёсига ўхшайди, деса бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, бу қуролнинг бомбалар, снарядлар, фугаслар каби хилма-хил турлари бўлиши мумкин. Бular радиоактив материални оддий портловчи моддаларнинг портлаш кучи ёрдамида тарқатади. Радиоактив материални портлатмасдан ҳам тарқатиш учун махсус қурилмалар вужудга келтириш мумкин.

Қуролсизланиш комитетининг муҳокамасига киритилган Совет — Америка қўшма таклифи «радиологик қурол» тушунчаси билан ифодаланадиган барча техникавий воситаларни ва радиоактив материални тақиқлашни кўзда тутади. Шу ҳужжатда қуролланиш пойгасини чеклаш ва қуролсизланиш соҳасидаги амалда мавжуд бўлган битимлар тажрибасидан фойдаланилди. Масалан, ишлаб чиқилаётган шартнома тегишли соҳада тинч иш олиб боришга тўсқинлик қилмаслиги лозим. Шартномага риоя қилинаётганлигини текшириш чоралари ҳам ҳисобга олинди.

Шундай қилиб, СССР ва АҚШ ишлаб чиққан қўшма таклиф радиологик қуролни тақиқлаш тўғрисидаги тузиладиган ҳаққоний шартнома қуролланиш пойгасини чеклашнинг ва қуролсизланишнинг самарали воситаси бўлиб қолишига қаратилган таклифдир. Шартнома оммавий қирғин қуролини вужудга келтириш соҳасида олиб борилаётган пойга йўлларидан бирини тўсишни кўзда тутади. Бу шартнома радиоактив материаллардан радиологик қуролда фойдаланишнинг олдини олиши лозим. Давлатларнинг анчагина кенг доираси техникавий жиҳатдан шундай қилишга қодир бўлиб қолиши мумкин. Бундай шартнома тинчлик бутун дунё халқларининг манфаатларига хизмат қилади.

Бу шартнома ядро қуролини уч соҳада синашни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома, бактериологик (биологик) ва токсинли (заҳарловчи) қурол запасларини ишлаб чиқишни, ишлаб чиқаришни ва тўплашни тақиқлаш тўғрисидаги ва шундай қуролларни йўқ қилиш тўғрисидаги битим, табиий муҳитга таъсир ўтказиш ва шу каби воситалардан ҳарбий мақсадда ёки бошқа душманлик мақсадида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги битим сингари қуролланиш пойгасини тақиқлаш ва қуролсизланиш тўғрисида муҳим битимлар билан, ҳеч шубҳасиз, бир қаторга ўтиши турган гап.

Радиологик қуролни тақиқлаш тўғрисидаги шартноманинг асосий моддаларини ишлаб чиқиш урушнинг олдини олиш учун, халқаро хавфсизлик учун кураш масалаларида Совет Иттифоқининг принципиал йўлини тасдиқловчи янги далилдир. Ленин васиятларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ва у билан бирга социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун кураш байроғини ўз қўлларида маҳкам ушлаб турибдилар.

В. ЛЕВОНОВ,
(ТАСС).

Ж. КАРТЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

АҚШ Президенти Ж. Картер миллий телевидение орқали гапириб, мамлакатнинг энг қалтис иқтисодий ва ички снёсий муаммоларига тўхталди.

Менинг ҳукуматим ҳокимият тепасида турган вақт мобайнида энергетика танглигини тугатишга муваффақ бўла олмади, деб эътироф қилди Президент, аммо деди у, «мамлакатимизнинг ҳақиқий муаммолари бензин кутиб навбатда турганлардан ёки энергия қаҳатчилигидан кўра анча чуқур, ҳатто пулнинг қадрсизланиши ёки таназзулдан ҳам кучлироқдир. Бу муаммоларнинг моҳияти, деди сўзини давом эттириб Президент, «ишончнинг йўқолганлигида, юраккa-жонга ва миллий иродамиз руҳига жароҳат етказаётган танглиқдадир». Бу эса америкача турмуш тарзи учун таҳликали хавфдир, деди у.

«Бу тангликнинг нишоналари атрофимиздаги ҳамма жойда кўриниб турибди, — деб уқтирди Президент — халқимизнинг кўпчилиги навбатдаги беш йиллик сўнгги беш йилдан баттарроқ бўлади, деб ўйлямоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисми сайловда ҳатто қатнашмаяпти. Америка ишчиларининг меҳнат унумдорлиги камаймоқда. Ҳукуматга, черковга, мактабларга, ахборот воситаларига ва бошқа муассасаларга ҳурматсизлик кучаймоқда».

«Бу ўзгаришлар бизнинг ўстимизга кейинги 30 йил мобайнида, ларзалар ва фожиалар билан ўтган йилларда аста-секин ёпирилиб кела бошлади, — деди Ж. Картер, — Биз мамлакатимизда масалалар милтиқ ўқлари ёрдамида эмас, балки овоз бериш кабиналарида ҳал этилаяпти, деб ўйлар эдик, аммо бу фикр Жон ва Роберт Кеннедиларнинг ҳамда Мартин Лютер Кингнинг ўлдирилишигача давом этди». «Бизни армиямиз ҳамиша енгилмас, мақсадларимиз эса ҳамиша адолатли, деб ўқитишган эди, ана шундан кейин биз Вьетнамдаги талвасани бошдан кечирдик. Биз Уотергейт иши содир бўлгунча президент ҳокимиятини номус тимсоли деб ҳурмат қилиб келдик».

«Бу жароҳатларнинг ҳаммаси оғир жароҳатлигича қолмоқда, — деди у, — бу жароҳатлар ҳамон битиб кетгани йўқ». Президент яна бундай деди: «федерал ҳукумат мамлакатимиз ҳаётининг асосий оқимидан яккаланган ҳолда яшамоқда. Вашингтон оролга айланди. Гражданларимиз билан ҳукуматимиз ўртасидаги узилиш ҳеч қачон бу қадар катта бўлмаган эди. Ўз манфаатларини кўзловчи юзлаб нуфузли ва давлатманд гуруҳлар конгрессни кемириб ётганини кўриб турибмиз. Кўпинча биз тўла лоқайдликни, турғунликни ва тик қиямалик бўйлаб орқага кетиш ҳолларини кузатяпмиз».

Сўнгра Ж. Картер АҚШнинг иқтисодий муаммоларига тўхталди. 10 йилдан бери пулнинг қадрсизланиб келаётгани, деди у, Америка долларининг мавқеини путурдан кетказиб қўйди. Ресурсларимиз чексиз эмаслиги ҳам равшан бўлиб қолди.

Президент энергетика танглиги тўғрисида гапириб, бу — беқиёс кенг кўламдаги реаллик эканини айтди ва танглик пул қадрсизланиши ва ишсизлик кучайиб бораётганининг бевосита сабаби эканини уқтирди.

У ёқилғи муаммоси АҚШнинг иқтисодий мустақиллигига ва хавфсизлигига дағдаға қилиб турганини таъкидлаб, вужудга келган аҳвол учун жавобгарликни яқинда нефть нархини ошириш тўғрисида қарор қабул қилган нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) зиммасига тўнкашга уринди.

Ҳолбуки, Америка монополиялари ривожланаётган мамлакатлар нефти ҳисобига неча ўн йиллар давомида бебилиска фойда олиб келганликлари, бу нефтни улар ҳаддан ташқари паст нархда ташиб кетганликлари яхши маълум-ку ахир. Нефтнинг нархи ошган ҳозирги пайтда ҳам монополялар нефть импорт қилишни ўз ёқилғи-энергетика базасини кенгайтиришдан кўра манфаатлироқ деб ҳисобламоқдалар. Айни шу боисдан ҳам АҚШ ўзининг нефтга бўлган эҳтиёжларидан ярмисини импорт ҳисобига қондирмоқда, нефть импорт қилиш доимо ўсиб бормоқда, деди Президент.

Ж. Картер ҳукуматнинг олти банддан иборат янги энергетика программасини эълон қилди. Бу программада, жумладан, нефть импорт қилишни 1977 йил даражасидан оширмаслик, 1979 ва 1980 йиллар учун импорт чегарасини жорий этиш, белгиланган нормадан ортиқча нефть келтиришни тақиқлаш, шунингдек, Қўшма Штатларнинг ўзида ёқилғининг бошқа манбаларини ривожлантиришга маблағ сарфлашни тақиқлаш сингари тадбирлар кўзда тутилган.

Президент энергетика танглигини тугатиш юзасидан ҳукуматнинг илгари эълон қилган тадбирлари муваффақиятли бўлиб чиқмаганлиги сабабли эълон қилинаётган ҳозирги проблема албатта муваффақиятли таъминламайди, деб америкаликларни огоҳлантиришни зарур деб ҳисоблади. «Мен сизларга мамлакатимиз муаммоларини ҳал этишнинг қандайдир жадал усулини ваъда қилмайман», деди у.

АХБОРОТ

БУХОРО

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Свердлов райони марказида яна бир муҳташам бино—икки қаватли савдо маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Табассум» номи билан аталган бу бинода харидорлар учун барча қулайликлар муҳайё: «Едгорликлар», «Саноат моллари», «Кийим-кечаклар» ва бошқа бўлимларда истаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин. Бу объектни «Узкоопстроймонтаж» трестининг Бухородаги механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари муддатидан анча илгари бунёд этишди.

Шунингдек, Қизилтепа районининг Азизобод қишлоғида «Дилрабо», Навоий районининг Кармана посёлкасида «Баҳор» деб номланган кафе-чойхоналар қурилиб ишга туширилди. Айни кунда Вобкент райони марказидан ўтувчи Зарафшон дарёси устида «Шабада», Пешку районидаги Ибн Сино туғилиб ўсган кўҳна қишлоқда «Афшона» кафелари барпо этилмоқда.

КИТОБСЕВАРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бухоро область китобсеварлар жамияти правлениеси ташаббуси билан кенг миқёсда ўзлаштириш бошланган Ўртачўл, Маликчўл, Варахша, Кутчи, Жилвон ва Зомонбобо массивлари чўлқуварлари учун 10 дан зиёд кўчма ва доимий кутубхоналар ташкил этилди. Ушбу кутубхоналар жойларда китоб пропагандасини намунали йўлга қўйиш билан бир қаторда, жамиятга аъзо бўлишни истовчи юзлаб китобхонларни ўз атрофларига бирлаштирябти.

Ҳозир областда китобсеварлар жамиятининг 990 та бошланғич ташкилотлари мавжуд. Ўтган йили ва шу йилнинг беш ойида 1800 лекция ва суҳбат, 550 учрашув, 630 марта ўқувчилар конференцияси ўтказилди, 570 та китоб кўргазмалари ва бошқа тадбирлар амалга оширилди. Жойларда 28 та китоб магазинлари ва дўконлари, 36 та китобсеварлар клублари, ўндан зиёд жамоатчилик йўли билан ишлайдиган кутубхоналар ташкил этилди.

ЗАРАФШОНДА МАТБУОТ УЙИ

Қизилқум бағрида бунёд этилган контопарлар шаҳри — Зарафшонда муҳташам матбуот уйи қурилиб, фойдаланиш учун қабул қилиб олинди. Бу кўркам бино шаҳар ҳуснига ярашиб турибди. Унда полиграфия машинасозлиги саноатининг энг янги ва мукаммал асбоб-ускуналари, машиналари, аппаратлари ўрнатилган бўлиб, «Зарафшанский рабочий» газетаси нашр қилинади, кераклі полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мазкур газета редакцияси аппарати ҳам шу кўркам бинода жойлашган.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ. 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ешлар ижоди. 10.30 — Яна тонг отди. Бадиий фильм. 11.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — А. И. Куприн. Ҳаёт ва ижод саҳифалари. 17.15 — Концерт. 17.45 — Горнчилар, қаердасиз? 18.00 — Беш йиллик қурилишларида. 18.30 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Жасорат. 20.05 — Қаҳр. Кўп серияли спектакль, 1-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — Катта симфоник оркестр билан бир соат. 23.00 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 11.30 — Абитуриентлар учун химия. 12.00 — Телевизион театр. 12.05 — Абитуриент-79. 13.50 — Ёвуз. Бадиий фильм. 18.20 — Волгоград болалари. 18.30 — Қуйноқлар даврасида. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Ишга туширилаётган объектлар — сафга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Менинг биографиям. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Мубоpак — истиқболи порлоқ район. 22.30 — Театр учрашувлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН. 18.40 — Қуёш остидаги саргузаштлар. 19.10 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм, 18-серия. 20.00 Янгиликлар. 20.20 — Пойтахт области далаларида.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — М. Шамаева ва Б. Зокиров ижро этади. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Илгор чорвадорлар ҳузурида. 13.30 — Совет оперетталаридан куйлар. 14.00 — Пахта даласи — зарбдор фронт. 18.50 — Тинчлик ва дўстлик ҳақида қўшиқлар. 19.20 — Саломатлик туман бойлик. 20.20 — «Наво» вокаль-чолғу ансамблининг концерти. 20.50 — Бунёдкорлар туркумидан. 21.00 — С. Зуннунованинг инсценировка қилинган ҳикоялари. 21.20 — Чорвадорлар, Сизлар учун. 21.50 — СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасида. 22.28 — Классик шоирларнинг газаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

1979—1980 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

8—10 синфни битирганлар қуйидаги ихтисослар бўйича қабул қилинади: АВТОМАТИК ВА КОНТРОЛЬ СИСТЕМАЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА СОЗЛАШ, ҲИСОБЛАШ ВА АНАЛИТИК-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАТИШ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ, КАБЕЛЬ ВА СИМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, СОВУТИШ-КОМПРЕССОР МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ; ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ, АСБОБЛАРИ ВА ҚУРИЛМАЛАРИ; ТАШКИЛИЙ-ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ, САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ.

КЕЧКИ БЎЛИМГА

8—10 синфни битирганлар қуйидаги ихтисослар бўйича қабул қилинади: КАБЕЛЬ ВА СИМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, СОВУТИШ-КОМПРЕССОР МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ, ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ АСБОБЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, АВТОМАТИК ВА КОНТРОЛЬ СИСТЕМАЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА СОЗЛАШ; ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ, АСБОБЛАРИ ВА ҚУРИЛМАЛАРИ; ЭЛЕКТР АППАРАТЛАРИНИ ҚУРИШ.

СИРТҚИ БЎЛИМГА

8—10 синфни битирганлар қуйидаги ихтисослар бўйича қабул қилинади: АВТОМАТИК ВА КОНТРОЛЬ СИСТЕМАЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА СОЗЛАШ, СОВУТИШ-КОМПРЕССОР МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ.

Ўқиш муддати кундузги бўлимда 8-синфни битирганлар учун 3 йил-у 10 ой, 10-синфни битирганлар учун 2 йил-у 10 ой.

Кечки ва сиртқи бўлимларида: 8-синфни битирганлар учун 4 йил-у 7 ой, 10-синфни битирганлар учун — 3 йил.

Кундузги бўлимга аризалар 8-синф ҳажмидаги группаларга 31 июлгача, 10-синф ҳажмидаги группаларга — 14 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари— 1—20 август кунлари ўтказилади.

Кечки бўлимга аризалар 8-синф ҳажмидаги группаларга 7 августгача, ўрта маълумотлилар группасига 16 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 8-синф ҳажмида маълумотлилар 7 августдан 14 августгача, 10-синф ҳажмида 1 июлдан 20 ноябргача ўқув юртининг чақиртиришига асосан бир неча муддатларда ўтказилади.

Сиртқи бўлимга аризалар 10 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 10 августдан 20 августгача ўқув юртининг чақиртиришига асосан ўтказилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

8-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН она тилидан (диктант), математикадан (оғзаки).

10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН она тили ва адабиётдан (иншо), математикадан (оғзаки).

Техникумга қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), 286 формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 4 та фотосурат, метрика, паспорт, харбий билет ва меҳнат стажи ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси шахсан кўрсатилади.

Меҳнат стажига эга бўлганлар ўқув юртига меҳнат дафтарчасидан ёки колхоз меҳнат дафтарчасидан кўчирма топширади.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Техникумнинг кундузги бўлимига қирувчилар стипендия билан, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: 700041, Тошкент шаҳар, ГСП, Куйбишев район, Бабушкин кўчаси, 4-уй (4 автобуснинг «Социалистик шаҳарча», 17-троллейбуснинг «Ташкабель» заводининг «Маданият уйи» бекатлари).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТЎХТАТМАЙ

Волгограддаги «Красный Октябрь» металлургия заводининг энг муҳим цехларидан бирини маҳсулот ишлаб чиқариб турган бир пайтда реконструкция қилишга киришилди. Бу ерда қурувчилар металлурглар билан ёнма-ён ишлаётгандалар. Корхонанинг энг қудратли стани тепасида электр пайванд оловлари чақнаётганда, унинг ёнида янги колонналарнинг пойдеворига бетон ётқизилмоқда.

Лойиҳага кўра, корхонанинг асосий станини модернизация қилиш учун уни ишдан тўхтатиб, янги бинога кўчириш лозим эди. Коллективнинг ўзида дадил бир фикр юзага келди: агрегатнинг иш унумини пасайтирмай, бевосита унинг устида бино қуришга аҳд қилинди. Йил охиригача шу корпус гумбазлари остида ўз хизматини ўтаб бўлган эски стан аста-секин олиб ташланади.

Қурилиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамай, металлурглар ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Йил бошлангандан бери прокатчилар пландан ташқари 1500 тонна металл ишлаб чиқардилар.

ТЎЛҚИН ВА ШАМОЛГА ЖИЛОВ СОЛИНДИ

Шоирлар мадҳ қилган денгиз тўлқини энди инсон нўзларига қувонч бахш этибгина қолмай, фойдали ишни ҳам бажариши мумкин. Харьков авиация институтининг олимлари электр тони ҳосил қилиш учун тўлқин ва шамол кучидан фойдаланадиган ажойиб агрегат яратишди.

Олимларнинг назарида бу агрегат қандай бўлади? — Денгизнинг саёз жойига ўрнатилган темир-бетон тирганларга ўнчалик мураккаб бўлмаган қурилмалар жойланади, — дейди техника фанлари кандидати А. Яковлев. — Уларнинг барабанли ғилдираклари тўлқин кучи билан айланиб, электр генераторни ҳаракатга келтиради. Унинг яқинидаги соҳилда осмон «турбиналари» ўрнатилган миноралар қад кўтаради. Кечаю кундуз тўлқин ва ҳаво оқимлари ёрдамида ишлайдиган бундай электр станциясининг қуввати икки минг киловаттга боради.

Комбинацияланган шу агрегатнинг завод нусхасини Каспий денгизи соҳилида синаб кўриш белгиланди.

КОНСТРУКЦИЯНИ ЎЗГАРТИРДИЛАР

Тбилиси электровозсозлик заводининг новаторлари электр печлари конструкциясини ўзгартирдилар. Бу ўзгартириш қароратнинг кўтарилиб-пасайишини тугатишга ва шу тариқа маҳсулот сифатининг яхшиланишига ёрдам берди. Янгиликнинг яна бир нафи шуки, бир йил мобайнида 150 минг киловатт-соат электр энергия тежалади.

Завод коллективи энергия ресурсларини тежаб-тергаб сарфлашнинг катта программасини белгилади. Бу программага мувофиқ нўпгина цехлар ва бўлимлар ходимларининг ўз шахсий тежамкорлик варақалари системаси жорий этилди. Асбоб-ускуналарни ишлатишнинг илмий асосланган графиклари тузиб чиқилди, шу туфайли ёқилғи ва электр энергияни унумсиз сарфлаш имкони борича камайтирилди. Корхонани реконструкция қилиш режасида электр хўжалигини бир марказдан бошқариш пультини барпо этиш кўзда тутилган. Бу янгиликнинг жорий этилиши энергия сарфини анча процент камайтиришга ёрдам беради.

БИЛИМ ШАРОФАТИ

Гродно областининг (Белоруссия ССР) Зельвен районидаги «Родина» колхози раиси Н. Житневичнинг диссертациясида хўжаликнинг қисқа вақт ичида мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш соҳасидаги тажрибаси умумлаштириб берилган.

Илғор технология бу йилги қурғоқчил ёз шароитида ҳам етарли ем-хашак олиш имконини берди.

Областдаги деярли ҳамма хўжалик раҳбарлари олий ва ўрта махсус маълумотли кишилардир. Ўрта бўғин раҳбарларининг ўндан саккиз қисми дипломли агрономлар, зоотехниклар, инженерлардир. Область деҳқонлари дон экинлари ҳосилдорлигини, сут, гўшт етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун бошланган республика мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар.

«ЯШИЛ ДАРСХОНА»ДАГИ ИМТИҲОН

Қишлоқ мактаби ўқувчиларининг тажриба участкаси Молдавия «Гибрид» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг синов майдони бўлиб қолди. Олимлар Котовский районидаги Минжир қишлоғи юқори синф ўқувчиларини оталиққа олиб, ўзлари яратган янги маккажўхори навларини етиштиришни уларга ишониб топширдилар.

Кузда—анъанавий ҳосил байрамида болалар қўлга киритган натижалари тўғрисида олимларга ва шу ердаги «Победа» колхозининг меҳнатчиларига маълумот берадилар.

Янги навлар деярли ҳар йили мактаб даласида «имтиҳон» топшириб, колхоз даласига кўчади. Болаларнинг қишлоқ хўжалиги фанлари доктори К. Бойтович раҳбарлигида етиштирган «Минжигский» деб аталган серҳосил, касалликларга чидамли узум нави хўжаликда худди шу йўл билан тарқатилди.

Юқори синф ўқувчилари 53-участкани «яшил дарсхона» деб атайдилар. Бу участкада мевали дарахтларнинг икки юзга яқин нави ўстирилмоқда, нодир дарахтлар ва буталар алоҳида ажратилган жойда парвариш қилинмоқда. «Яшил дарсхона» ажойиб миришкорларни тарбиялаб вояга етказмоқда. Ҳозир колхозда ишлаб турган мутахассислар, шунингдек маҳаллий мактабда биологиядан дарс бераётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги шу дарсхонада камол топганлар.

(ТАСС).

ФОТОЛАВҲАЛАР

✦ Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер фабрикасининг коллективи бу йил 26 минг тонна турли ширинликлар ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Суратда: қандолатчилардан бир группаси тайёр маҳсулотларни савдо шоҳобчаларига жўнатишдан олдин уни яна бир бор кўздан кечирмоқда.

✦ Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг чеварлари 22 моделда болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқармоқдалар. Икки хил моделдаги кийимларга давлат Сифат белгиси берилди. Суратда: корхона эришаётган ютуқда Умри Сувонбоеванинг ҳам ҳиссаси бор. Илғор тикувчи шу кунларда 1980 йил ҳисобига ишлаётир.

✦ Узбекистон бадиий керамика буюмлар фондининг керамика ишлаб чиқариш тажриба корхонаси етиштириб бераётган бежирим сопол идишлар харидоргир бўлиб бормоқда. Суратда: бадиий жило берилган чиройли лаганлар истеъмолчиларга жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган.

✦ Олмалиқ гилам фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бир қисми сифатли деб топилди ва унга давлат Сифат белгиси берилди. Суратда: гилам тўқиш устаси Раҳима Бердиева иш устида.

✦ Тошкентдаги «Учқун» галантерея бирлашмаси бу йил қирқдан ортиқ турли маҳсулот ишлаб чиқараётир. Суратда: бадиий бўёқ бериш устаси Маҳбуба Убайдуллаева

В. СИРОТКИН фотолари.

ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

ҲАЁТ ЧИРОҚЛАРИ

Ота-оналардан ҳаётингизда энг қадрли нарса нима, деб сўранг-а, улар бир овоздан: фарзандларимиз қувончи, роҳату фароғати деб жавоб берадилар.

Болалар! Улар ҳаётимиз гуллари, умримиз мазмуни. Ҳа, ҳа, улар келажакка йўл, мангулик кўзгуси. Келажак эса баркамол, ўз даври ва даврочасига муносиб меҳнат кишиларини кутади. Мухбиримиз Д. МАҲМУДОВАнинг Андижон область Олтинкўл районидаги Калинин номли колхоз раиси, Узбекистон ССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуқодир ИСАБОЕВ билан қилган суҳбати ана шу мавзуда.

Инсон туғилди. Оилага олам-олам шодлик кириб келди. Болапарвар халқимиз «болалик уй бозор» деб бежиз айтмаган. Негаки, бола бор хонадонда бахт ва ширин ташвиш, янгроқ келажак бор.

Ҳамма яхши нарсалар—болаларга! Бу эзгу туйғуларимиз замирида фарзандларимизга осойишта ҳаёт, бахтли болалик тилаймиз ва бунинг учун ҳар жабҳада интиламиз. Бирор корхона, колхоз, совхоз, посёлка ёки маҳаллага бориб бир разм солиб кўринг! Унда боғча, ясли ҳам, мактаб ва ҳатто сут кухняси ҳам бор. Болаларга шароит яратиладики, ота-оналар меҳнат постида хотиржам ишлайди. Янгидан-янги ихтиролар ижодкорига айланади. Қайси жойда болаларга ғамхўрлик, яхши шароит яратилса, ўша жойда иш кўнгилдагидек боради. Бу жиҳатдан олганда колхозимизда диққатга сазовор ишлар амалга оширилган. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ясли-боғчаларга навбат кутиш муаммоси бизда аллақачон ҳал этилган. Ясли-боғчаларимиз эшиги болакайлар учун ҳамиша очиқ. Ота-оналарнинг эндиликдаги эҳтиёжлари шундаки, болалар ясли-боғчаларда ўз уйларидек меҳр-муҳаббат ардоғида бўлишса. Фарзандларимиз боғчага бормайман деганини эштитмасак, боғча деганда чақнаб туришса, дейишади. Ҳақли талаблар... Турмушимиз яхшиланиб борган сайин одамларнинг талаб-эҳтиёжи ҳам шунга қараб мослашиб, ўзгариб бораверади. Янгидан-янги тадбир, режаларга ҳаётнинг ўзи йўл-йўриқ кўрсатади, одамларнинг ўзи унга бошлаб боради.

Ҳозир совхоз территориясида иккита болалар боғчаяслиси ишлаб турибди. 120 ўринли янги типовой боғча қурилиши ҳам бошлаб юборилган. Яқин-якингача 9-мактабда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидларнинг ўғил-қизларидан 179 бола бепул овқатланарди. Янги йилнинг февраль ойидан бошлаб колхоз территориясидаги иккала мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси бир йўла бепул овқатланишга ўтказилди. 9-мактабда ўқув йили давомида 200 ўринли ошхона икки сменада ишлаб турди. Бу борада шуни ифтихор билан айтиш мумкинки, Олтинкўл райони мактабларидаги буфетлар, ошхоналар узлуксиз ва намунали ишлаш бўйича республика мактаблари орасида голибликни қўлга киритган.

Еш авлодни маданий, ахлоқий, жисмоний тарбияси ҳам катта аҳамиятга эга. Ўтган йили 60 ўқувчи Ленинск шаҳрига экскурсияга бориб, катта таассуротлар билан қайтиб келган эдилар. Бу йил ўқувчилардан бир группаси Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий обидалар шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқдилар. Шунингдек, колхозимиз меҳнат каҳрамонлари ўқувчилар ҳузурида тез-тез меҳмон бўлиб турадилар. Бундай ижодий учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта бўляпти.

Спорт қишлоқ ёшлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолди. 9-мактабдаги 960 ўринли спорт зали эрталабдан кечгача болалар билан гавжум. Уни бунёд этишга колхоз 640 минг сўм маблағ сарфлади. Қишлоғимиз болаларининг спортга бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, колхоз правлениеси мактаб территориясига қўшимча яна 30 сотих ер ажратди. Бу спорт майдонида бассейн ҳам бор.

26 йилдан буён раислик лавозимида ишлайман. Бу йиллар мобайнида болаларнинг қалби шодликка тўлган дамларни кўп кўрдим. Янги боғча-яслилар, мактаблар, кутубхоналар, амбулаториялар, туғруқхоналарнинг тантанали очилиш маросимларида болакайлар қучоқ-қучоқ гуллар тутиб, қурувчиларга миннатдорчилик туйғуларини билдиришади. Ўрта мактабни битирувчиларнинг хайрлашув кечаларида иштирок этарканман, ёшларнинг орзу-умидга тўлиқ жўшқин ҳаётларига ҳавас қиламан. Уларнинг раъйига, қизиқишига қараб, баъзиларини колхозда ишга олиб қоламиз. Баъзиларини шаҳарга ўқишга йўллаб, оқ йўл тилаймиз. Ҳозир колхозимиздан 70 га яқин йигит-қиз республикамизнинг турли олий ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларида таҳсил олишяпти.

1978 йилда ўрта мактабни битирганлардан 7 қиз колхозда ишга қолиб, механизаторлик курсларида ўқиб чиқишди. Ўтган йили улар 70—80 тоннадан уруғлик пахта теріб беришди. Ишонамизки, уларнинг бу йилги меҳнат муваффақияти ҳам чакки бўлмайди. Шу ўринда ўнлаб ўғил-қизларини эл-юртга муносиб кишилар қилиб вояга етказаётган колхозимиздаги бир қатор ота-оналарни ибрат қилиб кўрсатгим келади. Қишлоғимизда 20 та «Қаҳрамон она» бор. Уларнинг ҳар бири ўзича бир одам. Шундай оталаримиз борки, уларнинг болалар тарбиясидаги фаолиятини ҳар қанча намуна қилиб кўрсатса арзийди. Масалан, Абдусалом ака Абдқодиров оиласини олиб кўрайлик. У колхозимизда бир неча йиллар раислик қилган, ҳозир эса пенсияда. 7 та фарзанди бор. Еттитаси ҳам ўқимишли, ажойиб касб-ҳунар эгалари. Халқ маорифи аълочиси, 30 йилдан бўён қишлоғимиз болаларига қалб кўрини сочиб келаётган Жонтўра Қорабоевнинг 10 та боласи бор. У қишлоқ болаларни қаторида ўз фарзандларини ҳам оқил ва одил қилиб вояга етказмоқда. Кўни кеча бу оила ибратли оилалар билан анъанавий учрашувимизнинг навбатдаги меҳмони бўлди. Қишлоқ ўқитувчиси ўз педагогик фаолияти, тарбиявий ишлардаги узоқ йиллик тажрибаси ҳақида ҳамқишлоқлари билан ўртоқлашди. Еш механизатор Ҳуснибону Қобулова жуда қисқа вақтда ўзини меҳнатсеварлиги, одоби билан тилга тушди. Биз шундай қизни вояга етказган Бойбува Қобуловдан ниҳоятда миннатдормиз. Улар болаларини она ерга муҳаббат, касбга меҳр, меҳнатга чанқоқлик руҳида тарбиялямоқдалар. Бундай оилаларни жуда кўплаб мисолга келтириш мумкин. Лекин гап шундаки, болаларимиз ота-оналарининг меҳнати сингран қишлоқнинг келажаги учун, уни ободлаштириш учун ўзларини бағишламоқдалар. Шу ўринда қишлоқ ёшларининг меҳнатга муносабатини алоҳида таъкидлагим келади. Улар доимо меҳнат қозонида. Ерга чигит тушиши билан дала билан баробар уйғониб, баробар нафас оладилар. Қишлоқ болалари об-ҳаво нокулай келган кезларда колхозчи ота-оналарга бириниб бўлиб пешвоз чиқишади. Улар «оқ олтин»ни қорёмғир остида қолдириб юборишни гуноҳ эканини ота-оналаридан ўрганишган. Уларни ишлашга ҳеч ким мажбур этмайди. Катталарга ёрдамлашиш, уларнинг оғирини енгил қилиш туйғуси болаларимизнинг қон-жонига сингиб кетган. Об-ҳаво ниҳоятда оғир келган ўтган ҳосил йилида болаларимиз жонимизга оро киришди. Колхоз пахтасининг 30 проценти уларнинг кучи билан теріб олинди.

«Ёшлар қишлоқ хўжалик касбларига муҳаббатли қилиб тарбиялансин, уларнинг колхоз ва совхозларда ишлашдан иборат ватанпарварлик интилиши эвожлантирилсин ва қўллаб-қувватлансин» дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида.

Колхоз правлениеси, партия, комсомол ташкилоти бу борадаги амалий-тадбирий ишларни янада яхшилайди. Ёшларни колхозда меҳнатдан бўлак қизиқтирадиган, банд қиладиган, ўзига чорлайдиган бошқа нарсалар ҳам бўлмоғи даркор. Бу шаҳардагидек тўгараклари кизғин ишлаб турадиган муҳташам клублар, янги-янги китобларга бой кутубхоналар, кенг спорт майдончалари, кинотеатрлар... Дарҳақиқат, тарбиявий ишларимизнинг самарадорлиги социал-маиший масалаларнинг бир қадар муваффақиятли ҳал этилишига ҳам боғлиқ албатта. Биз янги боғча, ясли, мактаб, санаторийлар қураверамиз. Болакайларимизнинг аъло ўқиши ва яхши дам олишлари учун янгидан-янги шароитларини яратаверамиз. Болалар эртанги ўринбосарларимиз, ишларимизнинг давомчилари, умримиз чироқлари. Шундай экан, болалар тарбияси ёлғиз оила ишидан эмас, балки бутун жамиятимизнинг шарафи ишидир. Болаларимиз қалбига бугун қандай уруғ сочсак, эртага шундай ҳосил йиғиб оламиз. Болаларимиз кўнгил боғида навли, ҳосилдор уруғ унибўссин ва ундан эл-юрт, бутун олам баҳра олсин.

Биз меҳнат кишиларини вояга етказаётганимиз билан беҳад фахрланамиз. Меҳнат симфонияси эса болалар қалб дунёсида ўзаро кўмаклашиш, бир-бири ҳақида қайғуриш, одамгарчилик, меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялаб бораверади. Меҳнатга меҳр кўйган болаларда инсонийлик фазилатлари худди ёмғир-жаладан сўнг чирой очган қуёшдек мусаффо бўлади. Бу мусаффолик учун кетган вақт ҳам, меҳнат ҳам зое эмас.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 20 июлда чиқади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗ-СТРОЙ»нинг «КАРШИИРСТЕПСТРОЙ» БИРЛАШМАСИГА

Қарши даштида ишлаш учун инженер-гидротехниклар, маханиклар, иқтисодчилар, энергетиклар, экскаватор, бульдозер, скрейпер, дренаж ётқизувчи машиналарнинг машинистлари: гишт терувчилар, сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, конструкцияларнинг монтажчилари

КЕРАК

Ишчилар ва инженер-техник ходимларга район ва минтақа коэффициентлари тўланади. Бирлашма ётоқхонага эга. 6—8 ойдан сўнг ишчиларга квартира берилади.

Қарши даштида ишлаган ҳамма вақт учун бирлашма ишчиларининг турар жойи унинг қандай идорага тегишли эканлигидан қатъи назар сақланади.

Мурожаат учун адрес: Қашқадарё область, Бешкент шаҳри, «Водстрой» трести.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективи катта референт Б. Т. Тўхтаевга отаси

Тўхта НУРМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг коллегияси ва «Ташкентгеология» бирлашмасининг коллективи шу бирлашма бошлиғи А. А. Абдумажитовга укаси

Абдураим АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси коллективи редакция ходими Р. Исҳоқовга онаси

Лутфи ҲАБИБУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; вилоятлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси: 33-90-50.

Р. 07344. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 163.